

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Магистратура бўлими

Қўлёзма ҳуқукида

УДК 371.035.4.

ШАБКАРОВА НАИМА БЕКМИРЗАЕВНА

**ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИНИ
ТАРКИБ ТОПТИРИШ – МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

Мутахассислик: 5A140801- «Педагогика»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

**педагогика фанлари номзоди
Нуруллаева Шахло Уктамовна**

ҚАРШИ- 2011

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Ўқувчилар мафкуравий тарбиясининг назарий асослари	8
I.1. Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш - педагогик муаммо сифатида.	8
I.2. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик асослари.	28
I.3. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг жорий ҳолати. ...	36
II боб. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мазмуни	42
II.1. Таълим жараёнида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологияси.	42
II.2. Синфдан ташқари тадбирлар воситасида ўқувчиларда миллий истиқлол тушунчаларини таркиб топтириш	50
III боб. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари таҳлили	62
Хулоса ва тавсиялар	67
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	70
Иловалар	73

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламининг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалар тизимидир.

Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳукуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асослари яраётган мамлакатимиз учун ҳам ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужасамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. “Мен, - деб ёзади Президентимиз, -Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрни айтиб ўтади. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим долзарбдир.

Мафкуравий таъсир ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар қаторида “мафкуравий иммунитет”, “мафкуравий профилактика” кабилар бор. Ана тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тасаввур қилиш имконини беради. Бугуни кунда ёшлар қалбида она-Ватанимизга, бой тарихимизга, миллий қадриятларимизга, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилимизга, ота-боболаримиздан мерос муқаддас динга соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларнинг мафкурақвий иммунитетини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, юртбошимиз айтганларидек, бирор бир касалликни даволашдан олдин инсон организмида аввало унга қарши иммунитет ҳосил қилинади.Биз ҳам ўқувчилар қалби ва онгида зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантира олсак, турли хил “даъватчи”ларнинг алдовларига учмайдиган, ўз юрти, Ватани ва халқи учун фидоий инсонларни тарбиялай олишимиз мумкин.

Миллий истиқлол мафкураси – ҳар бир ватандошимиз оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масуъиятини қай даражада ато этаётганлигини белгилайдиган маънавий мезондир. Истиқлол мафкурасининг олдида қуйилган мақсад – кишиларда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккур шакллантириш. Шу маънода бу мафкура ўзида халқимизнинг эзгу орзу-умидлари ва ҳаётий манфаатларини ифода этар экан, бу

мақсадларга эришишнинг зарур шarti сифатида баркамол инсон шахсини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Маънавий баркамол инсон кишиларгина ва умуммиллий манфаатлар уйғунлигини теран англайди, Ватан озод бўлмаса, шахс озод бўла олмаслигини тушунади, ва бу йўлда фаол меҳнат қилади. Истиқлол мафкураси биринчи навбатда ёш авлоднинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир. Чунки ёшлар фақат миллий ғоя тимсолидагина мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар. Ёшлар табиатан турли ғояларга қизиқувчан ва уларга тез берилувчан бўладилар.

Миллий истиқлол мафкураси ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ана шу авлодни миллий манфаат ва тараққиётимизга ёт бўлган сохта ва бузғунчи ғоялар тажовузидан ҳимоя қилади, ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради. Миллий истиқлол мафкурасини ўқувчилар онгига сингдиришда ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандининг мактабгача тарбия, унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб етиши ниҳоятда муҳим. Бу даврдаги барча бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида, барча ўқув кўлланмалари ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда қуйидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим:

- Ватан туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга муҳаббат уйғотиш;
- миллий қадриятларга ҳурматни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш;
- оиланинг ватанпарварлик ҳиссисини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш;

Ўқувчи тарбиясининг муҳим йўналиши бу мафкуравий иммунитетни шакллантириш жараёнидир. Шунинг учун ҳам мафкурасиз инсон, мафкурасиз миллат, жамият бўлиши мумкин эмас. Узлуксиз таълим тизимида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, мактабгача тарбия муассасаларида ва бошланғич таълим жараёнида ёш авлоднинг педагогик ва психологик хусусиятларига асосланиб машғулотлар, “Одобнома” дарсларида ва дарсдан ташқари тадбирлар давомида миллий истиқлол ғояси ҳақида дастлабки тушунчалар бериб борилади. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг юқори (5-9) синфларида “Ватан туйғуси” ва “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари орқали ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғояси

тушунчалари сингдирилади. Айни шу даврнинг, яъни ўсмирлик даврининг ўзига хос эканлиги ва инсон келажагини белгилаб берувчи хусусиятлар шаклланишини инобатга олган ҳолда 7-9 синф ўқувчиларида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деган хулосага келдик. Чунки, ўсмирлик даврида ўқувчилар янгиликларга, ўзгача турмуш тарзига интилувчан бўладилар ва уларни турли ёт ғоялар таъсиридан фақат таъқиқлар билан эмас, балки миллий иститқлол мафкурасини шакллантириш, мафкуравий иммунитет орқалигина асраб қолиш мумкиндир. Миллий истиклол мафкураси ўқувчилар онги шуурида асрий миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг соғлом фикрлар тарзида ўз ифодасини топиши лозим. Бундай мулоҳазалар тадқиқотимиз мавзусини **“Ўқувчиларда миллий истиклол ғояларини таркиб топтириш мафкуравий иммунитетни шакллантириш воситаси сифатида”** тарзида танлашимизга асос бўлди.

Тадқиқотимиз мақсади: ўқувчиларда миллий истиклол ғояларини таркиб топтириш орқали мафкуравий иммунитетни шакллантириш жараёнини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти: ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети эса ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари ва усуллари ташкил этади.

Диссертация мақсадига эришиш учун қўйидаги **вазифаларни** амалга оширишга ҳаракат қилдик:

1. Миллий истиклол мафкурасининг педагогик асосларини ўрганиб таҳлил қилиш.
2. “Мафкуравий иммунитет” тушунчасининг моҳиятини очиб бериш.
3. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш.
4. Таълим жараёнида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари ишлаб чиқиш.
5. Ўқувчиларда миллий истиклол тушунчаларини шакллантиришга қаратилган тарбиявий тадбирлар тизимини тайёрлаш.
6. Тадқиқот фаразини тажриба давомида синовдан ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш.
7. Мафкуравий тарбия жараёнини такомиллаштиришга доир тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотимиз **фаразини** қўйидагича белгиладик: агар,

- ўқитувчи ва тарбиявий иш ташкилотчилари “Мафкуравий иммунитет” тушунчасининг моҳияти ва миллий истиклол мафкурасига доир билим билан қуроллантирса;

- ўқувчиларга таълим жараёнида Миллий истиқлол мафкурасига доир тушунчалар бериб борилса;

- синфдан ташқари тарбиявий тадбирларда ўқувчи онгига ватанпарварлик ғоялари сингдирилса уларда мафкуравий иммунитет шакллантириш мумкин.

Диссертациянинг **методологик асосини** миллий истиқлол мафкураси, Президент асарлари ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг **назарий аҳамияти** шундаки, тадқиқот давомида миллий истиқлол мафкурасининг педагогик асослари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотимизнинг **амалий аҳамияти** изланишларимиз асосида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

I БОБ. ЎҚУВЧИЛАР МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

I.1. Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш - педагогик муаммо сифатида

Инсон ҳаётида ҳам тараққиётида ҳам ғоялар муҳим ўрин тутади. Шу маънода, инсоният тарихи-ғоялар тарихидир.

Хўш, ғоя нима, нега бу қадар катта эътибор ва аҳамият берилади? Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва кадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади.

Хўш мафкура нима, у қандай ғоялар асосида шаклланади ва қай тарзда жамиятни ҳаракатга келтиради? Нега айрим мафкуралар баъзи миллатларнинг, юксалишига сабаб бўлса, айримлари бутун-бутун халқларни таназзулга дучор этади?

“Ғоя” тушунчаси. Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон-онгли мавжудот. Онгни шартли равишда иккита катта қисмга бўлиш мумкин: биринчиси-инсоннинг руҳий олами; иккинчиси-фикрий олам, яъни тафаккур оламидир. Руҳий олам (бу соҳани руҳшунослик илми-психология тадқиқ этади) ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, диққат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантикий шаклларига тушунча, ҳукм ва хулоса киради (буларни логика, яъни мантиқ фани ўрганади).

Фалсафанинг азалий қоидаларидан бири-тил ва тафаккур бирлигидир. Тилнинг энг бирламчи маҳсули сўз бўлгани каби, тафаккурнинг дастлабки шакли-тушунчадир. Тушунчалар бир ёки бир неча сўлар билан ифодаланади: аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўзлар воситасида англатилган тугал фикр гап деб аталишини юиз бошланғич синфларданок билганмиз.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин.

Илмий адабиётлар “ғоя”, “мафкура”, “идея” ва “идеология” тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ ғарб давлатларида ҳам рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси Юнон тилидаги *idea* сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (*Idea*-ғоя,

тушунча, logos-таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

-ғояларнинг моҳият-мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соша бўлиб ҳисобланади;

-муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари. омиллари тизимини англатади.

Ғояларнинг оддий фикрларидан фарқи яна шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қадамларга ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб боради, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга. Муайян ғоя одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муйян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Хар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси, яъни бошланиши ва охири бўлади. ғоялар ҳам ўз “умри”га эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин. ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларни санаб ўтиш лозим бўлади. ғоянинг энг муҳим хусусияти-инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ғоя деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган фикрга айтилади.

Ғояларнинг турлари кўп. Тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теvarак олами ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари-илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ-муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантириди. Маълум маънода айтиш мумкинки, хар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларига ажратиш мумкин.

- илмий ғоялар;
- фалсафий ғоялар;
- диний ғоялар;

- бадийй ғоялар;
- ижтимоий-сиёсий ғоялар;
- миллий ғоялар;
- умуинсоний ғоялар ва ҳоказо.

Шу билан бирга, жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ партиявий, синфий, этник ғоялар ҳамда кўламига кўра фарқланадиган умубашарий, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ғоя шакллари ҳам бор.

Ҳар бир тарихий даврда унинг руҳини акс эттирадиган, халқнинг қадриятлар ва орзу-истакларига мос келадиган ғоялар кишиларнинг онги ва қалбидан жой олган. Таъкидлаш жоизки, башариятнинг зиддиятли тарихи мобайнида ҳаётбахш ғоялар билан бир қаторда, сохта ва тубан ниятлар, тажовузкор ва ғаразли фикрлар ҳам кўп бўлган. Бинобарин, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ўзининг сифатларига кўра ғоялар юксак ё тубан, бунёдкор ёки вайронкор, эзгу ёки бузғунчи, ҳаётбахш ёки тажовузкор бўлиши ҳам мумкин.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, миллат тараққиётига, унинг юксалишига хизмат қиладиган, халқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир.¹ Одамлар орасига нифоқ, халқлар ўртасига низо соладиган, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адоват қўзғайдиган тубан фикрлар бузғунчи ғояларга мисол бўлади. Аслида бундай қабих ният ва сохта шиорларни ғоя деб аташ ҳам шартлидир. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқалгани, қандай аҳоли гуруҳлари ёки элат-миллатларини ҳаракатга келтираётганига қараб ҳам ғояларни турларга ажратиш мумкин.

Соҳиблари, яъни ғояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига қараб, синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умуминсоний ғоялар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир халқ оммасини маълум бир тарихий шароитда ҳаракатга ундаётган ғоя мазмунан умуминсоний бўлиши ҳам ёки тор манфаатларни кўзлайдиган синфий ғоя жамият ва инсон манфаатларига зид бўлиши ҳам мумкин.

Миллий ғоя халқнинг туб манфатларини ифода этадиган, уни ўз оқидга қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш давларида ҳар қандай миллат ва халқ келажагини белгилайди, унга етишининг ўзига мос йўллари танлайди. Ана шу жараёнга мос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлар билан барча ғоявий тамойилларини ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият

¹ Ислоҳ Каримов. Биз келажагимизни ыз =ылимиз билан =ураимиз. “Ўзбекистон”, 7-жилд, 308-бет.

касб этади. Ўзбекистон Президенти Каримов И.А. томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда “Миллий истиқлол ғояси : асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида ўз аксини топган. Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро ҳамжиҳатлик, Диний бағрикенглик кабилар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради.

“Мафкура” тушунчаси. Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимига солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади.

Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.

Мафкура - муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалган ошириш усул ва воситалар тизимидир.

Президентмиз И. Каримов мафкурага шундай таъриф берган: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айтилишида шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ равшан белгилаб беришига хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан”. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни-халқ, миллатни-миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чарагон этадиган маёқдир.

Мафкуралар, маъно-моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишида сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланилади.

Минг йиллар ўтса ҳам, улуғ аجدодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак ғоялар-Ватан озодлиги, эл-юрт бахт-саодати, илму урфон ривожини йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини халқ ишқида ўтказганда ҳам, Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жанг қилганда ҳам улуғвор ғоялар уларга сабр бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган буюк ғоя туфайли гулхан алангасида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган, Насимий томонидан сўйсалар ҳам, ишқи илоҳий деб жон берган.

Жаҳон тарихидан, жумладан халқимизнинг ўтмишидан ҳам қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор ғоя керак эканига кўплаб

мисоллар топилади.

Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуинсоний ҳақиқатга айланади.

Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўз мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратган. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун хормай-толмай меҳнат қилганлар Бу борада инсониятга “Ўзини англамоқ буюк саодат” эканлигини англатган Сукрот ҳам, “халқни якқалам қилдим”, дея қониқиш хиссини туйган Навоий ҳам, Хиндистон ва Покистон озодлиги озодлиги йўлига умрини баҳшида айлаган Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуг инсонлардир.

Бузғунчи ғоя ва мафкуралар эса халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтирди. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўрта асрлардаги салиб юришлари, диний фанатизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган ғайриинсоний ғоялар шулар жумласидандир. Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. Бузғунчи ғояларнинг вужудга келишига эса эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг фужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига иношган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга таянган мафкуралар халқлар ва давлатларни таназзулга етаклайди, одамлар учун сон-саноксиз кулфатлар елтиради. Бу эса, ўз навбатида, ғоявий жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун-моҳиятни-билиб олишни заруратга айлантиради.

Хар қандай миллат, хар қандай халқ бор экан, унинг ўз манфаатлари, ўз мақсад ва орзу-идеаларига эга бўлиши табиий. Ана шу орзу-умидлар ва мақсадларни ифода этадиган, уларни рўёбга чиқариш учун халқни сафарбар қиладиган ғоялар эса муайян мафкурага асос бўлади. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Шу маънода, *“Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва*

келажagini бир-бири билан боғлайдиган асрий орзу-истакларни амалга оширишига хизмат қиладиган ғоялар тизимидир”

Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилишимиз, курашишимиз зарур. Бу жараён халқимиз манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий ғояни англаш билан боғлиқ ҳолда кечади. Ватан манфаатлари ҳар бир фуқаро манфаатлари билан узвий боғлангандир. Зеро, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлиги билан боғлиқ. Фуқаролари бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, миллий истиқлол ғоясининг муҳим тамойилларидан бири инсон кадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжихатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини – маҳзини ташкил этади.

Истиқлол мафкураси – ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида қуйидаги умуминсоний тамойиллар ётади:

“Миллий истиқлол мафкураси:

—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади”. Бинобарин у қонунийликка, умум эътироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

—Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удувлари, улуг бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиўланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

—адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуг ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

—юрт тинчлиги, ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди.

—жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжихатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимизга,

эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жихатдан боғлиқдир.

—*миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга мухаббат, мустақиллик ҳояларига саодат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради.* Бу қоида Ватаннинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қилади.

—*жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.* Бу миллий истиқлол ғоясининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;
- қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- ҳақларо ҳуқуқ ақидаларига мос келиши;
- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислохотларнинг тадрижийлиги тамойилларга хизмат қилиши.

Ғоя сафарбар этувчи улуғвор фикр бўлса, мафкура эса мана шундай улуғвор ғояларни бир бутун яхлит куч қилиб бирлаштирувчи, уюштирувчи, ҳаракатга келтирувчи, бошқарувчи ғоялар тизимидир. Унинг мазмун-моҳияти Президент Каримов И.А. асарларида батафсил ёритилган бўлиб, уларда айтилган пайтда жамият тараққиётининг бош йўналишини кўрсатувчи миллий истиқлол мафкураси тушунчасининг маъно-мазмунини ҳам очиқ берилган: “Ҳар қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қилди”¹.

Миллий истиқлол мафкураси кенг халқ оммасининг манфаатларини, мақсад ва идеалларини ифода этади. “*Миллий истиқлол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг — бутун халқимизнинг умумий манфаатларини*

1 Каримов И. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ. 1993 йил 7 декабрь). Т., “Ўзбекистон”, 1994 й. 2-жилд, 109-б.

ифодалайди”.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси – Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол ғояси замон талабларига уйғун ҳолда муттасил бойиб бориб, такомиллашиб борадиган тизимдир. Бу тизим таркибига қуйидаги ғоялар асосий ўрин тутати:

1. Юрт тинчлиги ғояси
2. Ватан равнақи ғояси.
3. Халқ фровонлиги ғояси.
4. Комил инсон ғояси.
5. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси.
6. Миллатлараро ҳамжихатлик ғояси.
7. Динлараро бағрикенглик ғояси.

Уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

1. Ватан равнақи ғояси. Ватан - инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас замин, уни камолот сари етакловчи табарруқ маскандир. У аجدодлардан авлодларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира. Ватан- ота-боболаримизнинг ҳоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас замин.

Ватан - бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Халқимиз Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгая бошлайди. Остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ва ниҳоят мамлакат даражасига кўтарилади. Тушунча ва кечинмалар нуқтаи назаридан эса ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

ВАТАН равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади ва бу ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади. Ватанпарварлик - кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, уйига бўлган мухаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларидир. Фидойилик ватанпарварликнинг бош белгиси ҳисобланади, унинг олий кўриниши эса жасоратдир. Бугунги кунда эса бозор иқтисодиёти шароитида ватанпарварликнинг муҳим кўринишларидан бири тadbиркорлик сифатида намоён бўлмоқда.

2. Юрт тинчлиги ғояси. Ҳар бир халқ, ҳар бир инсон учун ватани тинчлиги - бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик- тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги - барқарор тараққиёт гарови.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида жамиятнинг асосий масалалари, биринчи навбатда, тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боисдан ҳам юрт тинчлиги - барқарор тараққиёт гаровидир. Тинчликни сақлаш муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган.

3. Халқ фаровонлиги ғояси. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси - ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги дунёдаги кўп мамлакатлар айнан шу йўл билан тараққий этиб, ўз халқининг фаровонлигини таъминлашда ўрнатилган бўлмоқда. Ўзбекистон ҳам худди шундай оқилона йўлни танлади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, айнан инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади. Жамиятимизда амалга оширилаётган ҳар қандай янгиланиш, ўзгаришнинг моҳиятида ана шундай эзгу мақсад ётгани барчамизга ғайрат-шижоат бахш этади.

4. Комил инсон ғояси. Бу ғоя ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя мавзунинг, чуқур ўрганишни талаб этувчи масаладир.

Комиллик - меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир.

5. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси. Ижтимоий ҳамкорлик XX асрда бошлаб, XXI асрда давом эттираётган энг муҳим ғоялардан бири - жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликдир.

Ижтимоий ҳамкорлик - муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Албатта, бундай даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Турли ғояларни байроқ қилиб олган кучларни бир мақсад йўлида бирлаштириш ғоят мушкул. Лекин Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги шунга эришишни тақозо этади.

6. Миллатлараро тотувлик. Бу ғоя умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Ер юзида 6 миллиарддан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида

эса 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари яшамоқда.

7. Диний бағрикенглик ғояси. Ҳозирги даврда диний эътиқод хилма - хиллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун диний бағрикенглик ғоя мавзуларидан биридир.

Диний бағрикенглик - хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бири. У дастлаб инсон ҳаётининг ибтидоий даврида вужудга келган ва ўша замонда яшаган инсонларнинг дунёқарашини ҳам акс эттирган. Дин дунё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши ва келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади каби масалаларга илохий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқараш шаклидир. У бугунги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқарашни, диний маросимларни, шунингдек, диний туйғуни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ каби) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган, қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг шарофатидандир. Президент Ислом Каримов сўзлари билан ифодалаганда, «Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди».

Мафкурамиз том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

— инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш, яъни бу мафкура ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришига имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиши;

— миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши, яъни у том маънода сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиши, Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиши;

— ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши, яъни икки юзламачиликдан холи ва жамоатчиликнинг объектив фикрига таянувчи мафкура бўлиши;

— замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши, яъни янгича вазиятга тез мослаша оладиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиши.

Ана шулар унинг ҳақиқий маънодаги миллий истиқлол мафкураси даражасини

ифодалайди. Шундагина миллий мафкурамиз айрим сиёсий кучлар ва партияларнинг бир томонга йўналтирилган тор манфаатлари чегарасида ўралашиб қолмайди, ўткинчи ёки вақтинча компанияга хизмат қилмайдиган умуммиллий жараёни ифодалайди. Миллий истиқлол ғояси тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони сифатида, халқимизнинг туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўтайди. Халқнинг ижтимоий даражадаги ўзлигини англаши тарихий хотиранинг уйғониши билан узвий боғлиқдир. Шу туфайли халқ ўзининг ўтмишидан сабоқ чиқаради, қай мақсад сари, қандай йўлдан бориш лозимлигини аниқлайди ва шу асосда ўз истиқболини белгилайди.

Мафкуранинг мақсадлари бўлиши табиий. Чунки, ҳар қандай мафкура ўз олдига муайян мақсадларни қўйди. Бу мақсадлар пировард натижага эришишнинг йўллари, восита ва усулларини белгилайди. Мафкуранинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- одамларни муайян ғояга ишонтириш;
- шу ғоя атрофида уюштириш;
- ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш;
- кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Қуйидаги миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан мафкуранинг ана шу хусусиятларининг моҳияти ва мазмуни билан қисқача танишамиз.

1. Одамларни муайян ғояга ишонтириш. Мафкура ғоялар системаси сифатида бирон бир ғояни тарқиб этиш, кишиларни шу ғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Демократик жамиятда амал қиладиган плюрализм (фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги) кишиларга ўз ҳаётий манфаатлари, мақсад ва интилишларини акс эттирадиган илғор ғояни танлаш, химоя қилиш ва ривожлантириш имконини беради.

Мафкуравий тарғибот ишларининг муваффақиятини белгилайдиган шундай ҳаётий қонуният бор: бошқаларни бир ғояга ишонтирмоқ учун, аввало, унга ўзинг юракдан ишонишинг, бошқаларни ёндирмоқ учун ўзинг ёнишинг, бошқаларни ғафлат уйқусидан уйғотмоқ учун ўзинг уйғоқ ва бедор бўлишинг шарт! Миллий ғоянинг халқпарвар, тараққийпарвар эканлигига бўлган ишонч кундалик ҳаёт синовларидан ўтсагина, сўз ва иш бирлигига эришилсагина бу ғоя мустаҳкам эътиқодга айланади. Эътиқод устувор ерда чинакам инсоний ҳаёт бўлади; эътиқод учун, илғор ғоя тантанаси учун кураш жараёнида инсон шахси шаклланади; у бунёдкор кучга айланади.

2. Ғоя асосида кишиларни уюштириш. Жамият фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган одамлар йиғиндисидан иборат эмас. Умумий манфаатларни теран англаш кишиларнинг жамият бўлиб уюшишларига, ижтимоий талаб ва нормаларни эътироф этиб, уларга амал қилишларига сабаб бўлади. Бу, айниқса, ҳозирги ўтиш даврида нихоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу сабабдан ҳам жамият аъзоларини умумий мақсад ва манфаатлар йўлида бирлаштириш мафкуранинг асосий вазифаларидан биридир.

3. Ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш. Мафкуранинг бунёдкорлик функцияларидан бири илғор ғояни амалга ошириш учун кишиларни сафарбар этишдир.

Мафкурада ифода этилган ғоя ва мақсад жамиятдаги қўллаб-қувватлашчи партиялар, ижтимоий ҳаракат ва ташкилотларнинг фаолият дастурига асос бўлади, ижтимоий ривожланишга кучли туртки беради.

У жамиятда рўй берадиган туб ўзгаришларга замин яратади, унга кенг халқ оммасини маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлайди, сўнгра бунёдкорлик ишларига сафарбар этади.

Мафкуранинг сафарбар этувчилик функцияси, айниқса, мафкуравий курашлар жараёнида тўлароқ намоён бўлади. Зеро, мафкуравий зиддиятлар кескинлашган даврда мақсадга эришишнинг қўпол воситалари, хусусан босқинчилик, террор, қўпоровчилик, инқилобий усуллар ишга солиниши мумкин. Бу—мафкуравий курашнинг ўта яққол ва ғайриинсоний усуллари бўлиб, уларга қарши туришда собитқадамлик, бардош, сабот ва фаоллик талаб қилинади.

Бу жараёнда бунёдкорлик ғоялари билан қуролланган кенг халқ оммасининг идеаллари, манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи мафкурагина инсонпарварлик, тараққийпарварлик тамойиллари асосида мамлакат, халқ тақдирида ижобий аҳамиятга эга бўлади, кишиларни эзгу ишларга даъват этади.

4. Кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш. Мафкура миллий тараққиётнинг энг оқир, мураккаб даврида, айниқса, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан янгисига ўтиш жараёнида кенг халқ оммасини маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларда келажакка ишонч туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Ана шу сабабдан ҳам чинакам миллий мафкура бўлган истиқлол ғояси ўзининг жозибаси билан кишиларни ўз кучига ишонишга, истиқболга умид билан қарашга даъват этади. Унда халқ фантазияси, орзу-умидларининг қай даражада акс этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тўқ, фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллатлараро тотувлик, тинчлик, дўстлик ер юзидаги барча халқларнинг азалий орзусидир. Демак, миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги халқ орзу-умидларини нечоғли тўла ва ёрқин акс эттириши, уларни рўёбга чиқаришнинг йўллари ва

воситаларини қай даражада тўғри белгилашига боғлиқдир.

5. Ғоявий тарбиялаш. Жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни тарбиялаш мафкуранинг яна бир муҳим мақсадидир. ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади. Ҳар қандай ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбия муайян ғояни ҳимоя қилиш, тарқиб этиш ва ривожлантиришга қаратилган бўлади. Бинобарин, ғоялар ошқора ёки яширин, бевосита ёки билвосита, тўғридан-тўғри ёки раъсий шаклларда тарғиб этилиши мумкин. Инсон фаолияти аниқ бир ғоявий мақсадга йўналтирилган бўлиб, бу ният кўпинча кўзга ташланмайди. ғоявий тарбиянинг асосий мақсади кишиларда ҳушёрлик, сезгирлик ҳиссини шакллантириш, ёт ва зарарли ғояларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир.

6. Ғоявий иммунитетни шакллантириш. ғоявий тарбия жараёнида кишиларда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу узоқ давом этадиган жараёндир.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оқ-қўрани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. Манфаатлар бор ерда муқаррар равишда ғаразли, нопок ғоявий ниятларни амалга ошириш учун интилишлар ҳам бўлади. Ёшларда мафкуравий иммунитетни тарбиялашда ижтимоий фанлар муҳим роль ўйнайди. ғоявий иммунитетни шакллантириш–ғоявий-тарбиявий иш самарадорлигининг муҳим мезони ҳисобланади.

Иммунитет – латинча (immunitatis) сўздан олинган бўлиб, бирор нарсадан ҳолос, озод ва фориғ бўлиш, қутилишни, муайян касалликни кўзгатувчи вирусга, дардга қаршилик кўрсатиш қобилиятини (масалан, инсон танаси иммунитетини) билдиради. “Иммунитет” сўзининг маъноси организмнинг доимий ички барқарорлигини сақлаш унинг турли хусусиятларга ва таъсирларидан ҳимояланиши, қаршилик кўрсатиши, резистентлигини билдиради. Шунингдек, у дахлсизлик маъносини ҳам англатади, (масалан, депутатлик иммунитетини, дипломатик иммунитетини).

Иммунитет турлари – аслида организмни инфекцион агентлар ва бошқа ёт моддалардан ҳимоя қилиш омиллари табиати бўйича учга бўлинади:

1. Филогенетик иммунитет – анатомик ва физиологик белгисига кўра наслдан наслга ўтадиган ҳимоявий резистентлиги. Бунда организм юқумли касалликларга чидамли бўлади.

2. Туғма иммунитет – (турга хос, табиий), нисбатан чидамли, наслдан наслга ўтадиган характерга эга.

3. Орттирилган иммунитет – ҳаёт давомида орттирилган иммунитет. У ўз-ўзидан

намоён бўлмайди. Унинг намоён бўлиши учун ички ёки ташқи ғоявий таъсир бўлиши керак.

Мафкуравий иммунитет – маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади. Давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. “Мафкуравий иммунитет” тушунчасини биринчи бор Президентимиз Ислам Каримов ишлатган ва унга қуйидагича таъриф берган: (2000 й 8 июнда “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавобларида - “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” номли суҳбатда) “Маълумки ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур” (Каримов И.А. Асарлар. Т.8. 494-бет)

Мафкуравий иммунитет таркиби:

1. мафкуравий билим;
2. ҳис-туйғу;
3. ирода;
4. кўникма;
5. малакалар

7. Харакат дастури эканлиги. Мафкура жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг ўзига хос дастуриламали бўлиб хизмат қилади. Чунки у бугунги кун муаммоларини ҳал этиш учун одамларни жипслаштириш ва сафарбар этиш заруриятидан вужудга келса-да, айтиш вақтда узоқ истиқболни кўзлайди. Тарихий давр ўзгариши билан миллий мафкурани янада такомиллаштириш, янги мазмун билан бойитиш зарурияти вужудга келади.

Миллий мафкура жамиятдаги барча социал қатламлар ва гуруҳларнинг умумий ҳаракат дастури, уларни фаолликка даъват этувчи восита ҳисобланади. Мафкуравий мақсад – ғоявий фаолиятни амалга оширишдан кутиладиган идеал натижадир. Мақсадни аниқ-равшан идрок этиш инсон ва жамият фаолиятига изчиллик, собитқадамлик ва фаоллик бағишлайди. Миллий истиқлол мафкурасининг олий мақсади – Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда халқимизни мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этишдир.

Истиқлол мафкураси кишилар онгига сингдирилиши билан уларда Ватан тақдири учун масъулият, ягона Ватан туйғуси шаклланади. Чунки шахсий ғоя ва манфаатлар шахс

фаоллигини кучайтирувчи омил бўлса, истиқлол мафкураси ўзида бутун бир халқнинг ҳаётий манфаат ва интилишларини акс эттиради. “Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туқилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туқилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.¹

¹ Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор”, 2000 йил, 8 июнь.

I.2. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик асослари

Тадқиқот учун танлаб олинган ёш даври бу – ўсмирлик давридир. Ўсмирлик даври ёш давлари орасида инсон келажагини белгилаб берувчи давр ҳисобланади. Бу давр инсон ҳаётидаги болалик даври ва катталар ҳаёти ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради ва инсон келажакда қайси йўлдан бориши шу даврдаги таълим-тарбияга боғлиқ. Ўсмирлар физиологияси ва психологиясидаги ўзгаришлар улар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнини ҳам мураккаблигига олиб келади.

Ўсмирлик даври 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Аксарият ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш анча қийинчиликлар, муаммолар билан кечади. «Энди ўсмир бола эмас, бироқ катта ҳам эмас» - айти шу таъриф ўсмирлик даврининг муҳим характерини билдиради. Бу даврда ўсмир ривожига кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар физиологик ва психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан боғлиқ равишда танадаги барча аъзоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши, ҳужайра ва организм тузилмаларининг қайтадан шакллана бошланишидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин тизимининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг лаёқат, қобилият ва имкониятларини маълум даражада ўртоқлари ва ўқитувчилариги кўрсатишга интиладилар. Бу ҳолатни оддий кузатиш йўли билан ҳам осонгина кўриш мумкин. Ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсмирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб, камолотга эришиш йўллари ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг бевосита таъсирини тушуниш мумкин. Бу даврда ўсмир бахтли болалик билан хайрлашган, аммо катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топа олмаган ҳолатда бўлади. Ўсмирлик даври «ўтиш даври», «кризис даври», «қийин давр» каби номларни олган психологик кўринишлари билан характерланади. Чунки, бу ёшдаги ўсмир хатти-ҳаракатида муқобил, янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз даврида Л.Виготский бундай ҳолатни «психик ривожланишдаги кризис» деб номлаган. Ўсмирлик ёшида уларнинг хулқ-атворида хос бўлган алоҳида хусусиятларни жинсий етилишнинг бошланиши билан изоҳлаб бўлмайди. Жинсий етилиш ўсмир хулқ-атворида асосий биологик омил сифатида таъсир кўрсатиб, бу таъсир бевосита эмас, балки кўпроқ билвоситадир. Ўсмирлик даврига кўпинча сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз

камчиликларини тан олмаслик, урушқоқлик каби хусусиятлар хос.

Катталарга нисбатан ёвуз муносабатнинг пайдо бўлиши, нохуш хулқ-атвор аломатлари жинсий етилиш туфайли пайдо бўладиган белгилар бўлмай, балки улар билвосита таъсир кўрсатадиган, ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар воситаси орқали: унинг тенгдошлари, турли жамоалардаги мавқеи туфайли, катталар билан муносабати, мактаб ва оиладиги муносабатлари сабабли юзага келадиган характер белгиларидир. Манна шу ижтимоий шароитларни ўзгартириш йўли билан ўсмирларнинг хулқ-атворига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўсмирлар ниҳоятда тақлидчан бўлиб, уларда ҳали аниқ бир фикр, дунёқараш шаклланмаган бўлади. Ўлар ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга берилувчан бўладилар. Худи ана шу хусусиятлар кўпгина ўсмирлар дунёқарашига турли хилдаги ёт мафкураларнинг таъсири кучайиши ҳавфли бўлади. Чунки, бунёдкор ғоя тарғиботчилари ҳам уларнинг берилувчанлик хусусиятидан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладилар.

Шунингдек, ўсмирларга мардлик, жасурлик, тантқиқлик ҳам хосдир. Ташқи таъсирларга берилувчанлик ўсмирда шахсий фикрни юзага келишига сабаб бўлади, лекин бу шахсий фикр аксарият ҳолларда асосланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам улар ота-оналарнинг, атрофдаги катталарнинг, шунингдек устозларнинг тўғри йўл кўрсатишларига қарамай, ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Катта одам, шунингдек чеквчи, ичувчи, пул топувчи ёки ақл ўргатувчи ролларда ўзларини қулай ҳис қиладилар. Бундай ҳолатларга тушган ўсмир жуда ташвишга тушади ва унда кризис ҳолати юзага келади. Бу кризис ўсмирнинг маънавий ўсиши, шунингдек психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Бу даврда боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Кўпгина ўсмирларда ўзидан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи ҳақидаги мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлашишига олиб келади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва қўрқувни юзага келтириши мумкин. Баъзи ўсмирларни нима учун атрофдагилар, катталар, шунингдек ота-онасига қарши чиқаётганлигини англай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат уларни ичдан асабийлашишларига сабаб бўлади ва ўсмирлик даври кризиси дейилади.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият – бу **ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат** фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси – бу дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларини аниқлаш ва эгаллашдир. Ўсмирлар мулоқотининг асосий хусусияти шундан иборатки, у тўла ўртоқлик кодексига бўйсунди.

Ўсмирларнинг ота-онаси, катталар билан қиладиган мулоқоти уларнинг ката

бўлганлик ҳисси асосида тўзилган бўлади. Улар катталар томонидан қилинадиган ҳақ-хуқуқларини чеклашларига, қаршилик ва эътирозларига қаттиқ қайғурадилар. Лекин шунга қарамасдан, у мулоқотда катталарнинг қўллаб-қувватлашларига эҳтиёж сезадилар. Биргаликдаги фаолият ўсмирга катталарни яхшироқ тушунишлари учун ёрдам беради. Ўсмир ўзида бўлаётган ўзгаришлар, уни ташвишга солаётган муаммолар ҳақида катталар билан бўлишишга ката эҳтиёж сезади, лекин буни ҳеч қачон биринчи бўлиб ўзи бошламайди. Ўсмир ўзига нисбатан ёш болалардек қилинадиган муомала-муносабатига қаттиқ норозилик билдиради. Ўсмирлар мулоқоти низоётда ўзгарувчанлиги билан характерланади. Ўсмирлик даврига кимнингдир хатти-ҳаракатини имитация қилиш хосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг хатти-ҳаракатларига имитация, тақлидчанлик қиладилар.

Қайд этиб ўтилган йўналганлик, албатта катталарнинг ҳам мулоқот ва муносабатида мавжуд, лекин улар катталарникидан ўз эмоционаллигини билан фарқланади. Тенгдошлари, шунингдек, синфдошлари гуруҳида ўсмир ўзининг келишувчанлик хусусияти билан намоён бўлади. Ўсмир ўз гуруҳига боғлиқ ва қарам бўлгани ҳолда шу гуруҳнинг умумий фикрига қўшилишига ва унинг қарорини доимо бажаришга тайёр бўлади. Гуруҳ кўпинча ўсмирда «Биз» ҳиссининг шаклланишига ёрдам беради ва унинг ички ҳолатини мустаҳкамлайди. Ўсмир ёшдаги бола учун дўст танлаш жуда ката аҳамиятга эга – дўст унинг учун жуда қадрли. Дўстлар доимий равишда руҳан, қалбан яқин бўлишга эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж ўсмир дўстларнинг ҳол-аҳвол сўрашиши ва кўришишларида (қўл бериб, қучоқ очиб кўришиш), бирга ўтириш ва бирга юришга ҳаракат қилишларида кўринади. Кўпгина анна шундай жуда яқин муносабатлар, ўсмирларнинг шахс бўлиб шаклланишида, ҳамкорликдаги ҳаракатларининг изи инсон қалбида ва хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

Ўсмирлар катталарнинг уларга билдирадиган ишончларига ката эҳтиёж сезадилар. Катталарнинг ўсмир ёшдагиларга таъсир кўрсатиши, тарби бериши учун энг қулай шароит – бу умумий меҳнат билан шуғулланишидир. Агар кичик ёшдаги болалар ёрдамчи вазифасидан қониқсалар, ўсмирла, айниқса, ката ўсмирлар катталар билан тенг равишда фаолият кўрсатаётганларидан, лозим бўлганда уларнинг ўринларига ҳам ишлай олишларидан қониқадилар. Катталар ўсмирлар биландўстона, уни тўла тушунадиган ва ақл билан раҳбарлик қилсалар, бунга ўсмирлар ижобий қарайдилар. Лекин бу раҳбарлик каттанинг хоҳиш-истагиустунлигида кечса, ундай ҳолда улар тўла қаршилик кўрсатадилар. Бу қаршилик кўпинча салбий натижаларга, баъзан депрессия ҳолатини ҳам юзага келтириши мумкин. Бу ҳолат кўпинча ота-онаси авторитар муносабатда бўлувчи оилаларда учрайди. Бундай оилаларда тарбияланаётган ўсмирлар ҳаётида мустақил ҳолда

ҳаракат қилишлари, ўз режаларини амалга оширишлари, қийин масъулиятни ўз зиммаларига олишлари бирмунча қийинроқ. Улар кўпинча интеллектуал характердаги муаммоларни ҳам қийинчилик билан енгадилар.

Ўсмирлик даврида болаларнинг атрофдаги одамлар билан шахсий ва иш юзасидан бўладиган муносабатларидаги мавқеи ўзгаради. Энди ўсмирлар ўйин ҳамда дам олишга камроқ вақтларини ажратган ҳолда жиддий ишлар билан шуғуллана бошлайдилар ва уларда билиш жараёнлари жадал ривожлана бошлайди.

Ўқиш ўсмирлар ҳаётида ката ўринни эгаллайди. Ўсмирлар ўқишидаги асосий мотив бу уларнинг улғаяётганликларини ҳис эттирадиган, англатадиган ўқиш турларига тайёрланишларидир. Улар учун машғулотнинг мустақил шакллари ёқади. Бошқа давр болаларига нисбатан ўсмирларнинг фанларни муваффақиятли ўзлаштиришлари, қизиқишларининг ортиши ўқитувчининг ўқув материални тушунтира олиш маҳоратига боғлиқ. Билим ўрганиш эҳтиёжлари асосида аста-секинлик билан ўқув фанларига нисбатан қатъий ижобий муносабат шаклланади. Бу даврда ўқишнинг янги мотивлари юзага келади. Бу мотивлар ўсмирнинг ҳаётий режалари, келажак касби ва идеали билан боғлиқ бўлади. Айнан ўсмирлик давридан бошлаб, болалар ҳаётий, илмий, бадиий билимларини кенгайтирига алоҳида эҳтиёж сезадилар ва бунга ҳаракат қиладилар. Билимли бола тенгдошлари орасида ҳурматга сазовор бўлади. Билим ўсмирларга алоҳида бир қувонч бағишлайди ва унинг тафаккур қилиш лаёқатини ривожлантиради.

Ўсмирларнинг ўқув материалларини фақат механик хотирага асосланишлари ҳалақит бериши мумкин. Бу даврда ўқувчиларга бериладиган ўқув материалнинг ҳажми ката бўлгани учун ҳам уни эслаб қолиши ёки бир неча марта такрорлаш йўли билан ўзлаштириш қийин. Бунинг учун ўқувчи ўқув материалнинг мазмунини таҳлил қилиши, ундаги мантиқий тузилишни билиши муҳим. Бу даврда болаларнинг идроки, диққати ва масаввурлари ўзгаради, лекин бў ўзгаришболанинг ўзига ва атрофидагиларга сезилмаган ҳолда кечади. Шу билан бирга бу даврда боланинг хотираси, нутки, тафаккур жараёнлари ҳам жадал ривожланади. Бу ўзгаришлар атрофдагиларга сезиларли даражада бўлади. Ўсмирлик даврида болани англаши ва ўз-ўзини англаш даражаси кенгаяди ва унда бошқа одамлар, олам ҳақидаги билимлари чуқурлашади. Ўйин фаолияти аста-секин камайиб, янги фаолиятлар юзага кела бошлайди. Психик ривожланишнинг янги босқичи бошланади. Ўсмирлик даврида ўз фаолиятини назорат этиш ривожлана бошлайди ва ўзини-ўзи бошқаришга интилиши кучаяди. Бир сўз билан айтганда, ўсмирлик даври психик ривожланишда кескин бурилиш даври ҳисобланади.

Ўсмирлик даврида нутқнинг ривожланиши бир томндан сўз бойлигининг ошиши ҳисобига бўлса, иккинчи томондан табиат ва жамиятдаги нарс ва воқеа ва ҳодисаларнинг

мазмун моҳиятини англашлари ҳисобига бўлади. Бу даврда ўсмир тил ёрдамида атроф-борликни акс эттириши билан бир қаторда инсон дунёқарашини ҳам белгилаб бериш мумкинлигини ҳис қила бошлайди. Айнан ўсмирлик давридан бошлаб, айнан нутқ билиш жараёнларининг ривожланишини белгилаб беришини тушуна бошлайди.

Ўсмир ҳар бир тушунчанинг келаб чиқиш тарихига қизиқа бошлайди, уларнинг аниқ мазмуни ва моҳиятига жуда қизиқади. У энди ўз нуткида ёш бола сингари эмас, балки ката одамлардан ўрганган сўзларини танлашга ҳаракат қилади. Шу сабабли ўқитувчи нутқи ўқувчи учун намуна бўладиган даражада ташкил этилиши муҳим ҳисобланади. Нутқни ўзлаштиришга ҳаракат бу ўсмирнинг муомала, били шва ижодий фаолиятга киришишга бўлган эҳтиёж ва интилиш ҳисобланади.

Ўсмирлик даврида ўқиш ва ёзма монологик нутқ жадал ривожланади. 5-синфдан бошлаб то 9-синфгача ўқиш тўғри, тез ва ифодали бўлиш даражасидан, ёддан ифодали, таъсирли айтиб бера олиш даражасигача кўтарилади. Монологик нутқ эса асардаги бир парчани қайта сўзлаб беришдан, мустақил равишда нутқ ва чиқишлар тайёрлаш, оғзаки мулоҳаза юритиш, фикр билдириш ва уларни асослаб беришгача ўзгаради.

Ўсмирлик даврида назарий тафаккур юқори аҳамиятга эга. Чунки бу даврдаги ўқувчилар атроф-оламдаги боғланишлар мазмунини юқори даражада билишга ҳаракат қиладилар. Бу даврда ўсмирнинг билишга бўлган қизиқишида прогресс содир бўлади. Илмий назарий билимларнинг эгаллаб олиниши тафаккурнинг ривожланишига олиб келади. Бунинг таъсирида исбот, далиллар билан фикрлаш қобилияти ривожланади.

Ўсмир бу ёшида мантикий фикрлайди, муаммоларни кенг қамровли муҳокама қила бошлайди. Ўсмир тафаккурининг назарий даражага қанчалик тез кўтарила олиши, ўқув материалларини тез ва чуқур эгаллаши унинг интеллектини ҳа ривожланишини белгилаб беради.

Ўсмирлик даврида диққат, хотира, тасаввур тўла мустақиллик касб этиб, энди уларни ўз ифодасига кўра бошқара оладиган бўлади. Агар кичик мактаб ёшидаги болада ихтиёрсиз диққат устунлик қилса, ўсмирлик даврида бола ўз диққатини ўзи бошқара олади. Дарс давомида интизомнинг бузилиши аксарият ҳолларда ўқувчилар диққатсизлигидан эмас, балки ижтимоий сабаблар билан белгиланади. Ўсмир ўз диққатини тўла равишда ўзи учун аҳамиятли бўлган ва юқори натижаларга эришиши мумкин бўлган фаолиятларга қарата олади. Ўсмирнинг диққати яхши бошқариладиган ва назорат қилинадиган даражада ривожланган бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуди ана шу даврда болаларда ғурур ҳисси шакллана бошлайди. Демакки, мафкуравий иммунитетни шакллантириш омилларидан бири бўлмиш миллий ғурурни, ифтихорни, миллий хусусият ва қадриятларни қадрлай

олиш хусусиятларини ҳам шакллантириш учун имкониятлар катта.

Мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик **мезонлари** сифатида қуйидагилар танлаб олинди:

- мафкуравий билимларни эгаллаган;
- маънавий баркамол;
- иродаси бақувват;
- ҳар қандай бузғунчи характердаги ғояларга қарши кураша олади.

Шунингдек, содиқлик, тўғрилиқ каби сифатларнинг шаклланиши ватанпарварлик туйғуларини ҳам шаклланишига ёрдам беради. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлмиш ватан равнақи ғоясини шакллантириш, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун масъуллик ҳиссини ҳам шакллантириш ўсмирлар келажагини, қолаверса, Ватан келажагини белгилаб берувчи вазифалардан бири ҳисобланади.

1.3. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг жорий ҳолати

Тадқиқот муаммосининг амалиётдаги аҳволини ўрганиш учун даставвал умумий ўрта таълим ўқув дастурларини ўргандик. Умумий ўрта таълим мактабларида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчаларини ўргатиш бошланғич синф «Одобнома» курсидан бошланади. Мазкур фанни ўқитиш жараёнида ўқувчиларга Ватан ҳақидаги дастлабки тушунчалар ҳамда виждон, ҳалоллик, исроф, увол, ватанпарварлик, ботирлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий сифатлар шакллантирилади, юрт тинчлиги, ободлиги, халқ осойишталиги ҳақида суҳбатлар уюштирилади.

5-6 синфларда “Ватан туйғуси” фанини ўқитиш орқали ўқувчиларда ватанпарварлик туйғулари шакллантирилади.

“Ватан туйғуси” ўқувчилар онгида “Ватан”, “Ўзбекистон - ягона Ватан” каби тушунчаларни шакллантириш билан бошланади. Ўзбекистон халқи, Ўзбекистон халқининг миллий таркиби, Давлат рамзлари каби тушунчалар мантикий кетма-кетликда, узвийликда баён этилади. “Биз буюк тарих эгасимиз”, “Биз буюк маънавият эгасимиз” мавзуларини баён этишни “Ватан тарихидан ҳикоялар”, “Адабиёт” каби фанлар билан мувофиқлаштириш зарур.

Ватанга муҳаббатни шакллантиришга доир мавзуларни ўтишда ўқувчиларнинг ёш, физиологик-психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларда аждодлар меросидан ғурурланиш, фахрланиш ҳиссиётини уйғотадиган усул, воситалардан, анимацияли электрон дарслик, қўлланмалар, миллий қадриятларимиз акс эттирилган фильмлар, бадиий асарлардан фойдаланиш керак.

“Одобнома” ва “Ватан туйғуси” фанларининг мантикий давоми сифатида 7-9 синфларда “Миллий ғоява маънавият асослари” фани ўқитилади. “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг вазифалари жумласига ижтимоий ҳаётда юз бераётган турли хил диний экстремистик, халқаро терроризм, информацион ҳуружлар, тажовузкорлик ҳаракатларига қарши ўқувчиларни ғоявий тарбиялаш, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри талқин эта олиш, соғлом эътиқод ва дунёқарашларини таркиб топтириш, зарарли ғояларга қарши курашиш кўникма ва малакасини, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳам киради.

Мазкур фаннинг “Миллий ғоя” бўлими бўйича ўқувчилар онгига сингдириладиган миллий ғоя, мафкура, ғояларнинг турлари, диний экстремизм, ақидапарастлик, ўзбек модели, жамиятни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари каби масалалар ўқувчиларга тушунарли тилда содда, тарихий ва ҳаётий мисоллар орқали мавзулараро узвийликка риоя қилинган ҳолда изчил етказилиши лозим.

“Маънавият асослари” бўлими маънавий-маданий, одоб-ахлоқ меёрлари,

инсонийлик фазилатлари, жамоанинг тарбиявий таъсири, ёшларнинг ўз кучи, билим салоҳияти ва келажагига ишонч ҳисларини шакллантиришга хизмат қилади.

Аммо мазкур фанни ўқитиш жараёни замонавий технологиялар асосида ташкил этилмаганлиги ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг тўла шаклланмаслигига олиб келади. Худди мана шу муаммо асосида ўқувчиларнинг миллий истиқлол ғоясига доир асосий тушунчаларни ўзлаштирганлиги ва мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун Қарши шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактаби ва туманидаги –умумий ўрта таълим мактабида тажриба-синов ишларини олиб бордик. Мактабларнинг “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани ўқитувчилари билан анкета сўровлари уюштирдик, уларнинг дарсларини ва дарсдан ташқари ташкил этилаётган тадбирларни кузатдик ва ўқувчилар билан тест синовлари ўтказдик.

Ўқитувчилар билан ўтказилган анкета сўровларида жами 5 нафар ўқитувчи иштирок этди ва натижалар қуйидагича бўлди:

1-савол «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитишда қандай усуллардан фойдаланасиз?» тарзида бўлди. Бу саволга ўқитувчиларнинг барчаси анъанавий ўқитиш усуллари бўлмиш суҳбат, оғзаки баён қилиш, савол-жавоб каби методларни санаб ўтдилар. Демак, улар ташкил этаётган таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва масъулият билан ҳаракат қилишга ундовчи, ҳамкорлик муносабатларини ташкил этишга ёрдам берувчи интерактив методлардан фойдаланилмаяпти.

Ўқитувчилар мафкуравий иммунитет таркибий қисмларини айтиб бера олдилар. (“Мафкуравий иммунитет таркибий қисмлари қайсилар?” саволи орқали аниқланди). Аммо уни шаклланганлик даражасини аниқлаш борасида иккиланишлар мавжуд.

Кейинги саволимиз “Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини қандай аниқлайсиз?” деган савол бўлди. Бу саволга ҳам ўқитувчилардан аниқ жавоб олиб бўлмади. Масалан, улардан бири ўқувчиларни кузатиш орқали, иккинчиси билим даражасига кўра деб жавоб берди. Демак, ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласи ҳам ўқитувчиларнинг диққат марказида эмас.

Ўқитувчиларга “Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда қандай воситалардан фойдаланиш мумкин?” деб мурожаат қилганимизда ўқитувчилар “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш орқали” деб жавоб бердилар. Дарсдан ташқари тадбирларга эса эътибор қаратмадилар.

Ўқитувчилардан «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун қандай ишларни амалга ошириш керак деб

ҳисоблайсиз?” деб сўраганимизда улар кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, таълим технологияларини жорий этиш, ноанъанавий дарслар ўтиш ҳамда мутахассисларни таклиф этиш каби қатор таклифлар бердилар. Дарҳақиқат, мазкур фанни ўқитишда юқоридаги тадбирларни амалга ошириш нафақат, таълим сифатини оширишга, балки ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни таркиб топтиришга ҳам ёрдам беради.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9 синф ўқувчиларида мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги **мезон**ларга асосланган тест синовларини ўтказдик:

- мафкуравий билимларни эгаллаган;
- маънавий баркамол;
- иродаси бақувват;
- ҳар қандай бузғунчи характердаги ғояларга қарши кураша олади.

Тест саволлари шундай тузилдики, унга кўра ўқувчиларда мафкуравий билим ва тушунчалар бўлсагина тўғри жавоб бера оладилар. Тўғри жавоблар эса дунёқараш ва иммунитетнинг шаклланганлик даражасидан дарак беради.

Тест сўровларида Қарши шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг 7-синфидан 59 нафар, 8-синфидан 61 нафар, 9-синфидан 61 нафар ўқувчи иштирок этди. ... туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг 7-синфидан 56 нафар, 8-синфидан 58 нафар ва 9-синфидан 61 нафар ўқувчилар иштирок этдилар.

Тест саволларига ҳар бир тўғри жавоб учун 3 балдан белгиланди. 10 та тест саволига жавоблар натижасига кўра ўқувчиларнинг мафкуравий иммунитетни шаклланганлигини 3 даража – юқори, ўрта ва қуйи даража бўйича аниқладик. Яъни: юқори даража 24 балдан – 30 балгача

- ўрта даража 15 балдан – 21 балгача
- қуйи даража – 12 балл ва ундан паст.
- Натижалар қуйидагича бўлди:

2.3.1-жадвал

Тажриба аввалида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражаси

Синфлар	Ўқувчиларнинг жавоблари					
	Юқори даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	наз.синф	таж.синф	наз.синф	таж.синф	наз.синф	таж.синф
7- синф ўқувчилари	9	10	21	25	25	25
% ҳисобида	16%	16%	38%	42%	46%	42%
8-синф ўқувчилари	12	10	25	23	25	24
% ҳисобида	20 %	18%	40%	40%	40%	42%
9-синф ўқувчилари	12	14	26	24	22	24
% ҳисобида	20%	22%	43%	39%	37%	39%
жами	33	34	72	72	72	73
% ҳисобида	18%	19%	41%	40%	41%	41%

Натижалардан кўриниб турибдики, юқори даражада жавоб берган ўқувчилар жуда камчиликини ташкил этади. Ундан ташқари 7-8-синф ўқувчилари орасида ўрта даражада жавоб берган ўқувчилар сони қуйи даражада жавоб берган ўқувчиларга нисбатан кам. Фақат 9-синф ўқувчилари орасида ўрта даражада жавоб берган ўқувчилар сони қуйи даражада жавоб берган ўқувчиларга нисбатан кам. Демак, 9-синф ўқувчилари миллий истиқлол мафкураси ҳақида нисбатан тўлиқроқ тасаввурга эга. Демак ўқувчиларнинг миллий истиқлол ғояси ҳақидаги тушунчалари талаб даражасида эмас ва бу ўз навбатида ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш ҳамда мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш борасида изланишлар олиб боришни тақозо этади.

I боб юзасидан хулосалар

Миллий истиқлол мафкураси ўзининг туб моҳиятига кўра Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашни, Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашни кўзда тутди. Бундай улугвор вазифани бажариш ҳар бир фуқародан эркин фикрлаш, Ватан тақдири, истиқболи учун масъулиликни ҳис қилишни талаб этади. Эркинлик бўлмаган жойда масъулиятсизлик, лоқайдлик вужудга келади. Миллий мустақиллик халқимизга ана шундай эркин фикрлаш имконини берди. Эркин тафаккурсиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишини ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Истиқлол мафкураси эркин тафаккурга таянади, у демократик жамият ҳаётининг муҳим қонунияти, миллий мафкурани яратиш, ҳимоя қилиш ва такомиллаштиришнинг зарур

шартидир. Эркин тафаккур шахс фаоллигини оширади, уни бунёдкорлик ишларига илҳомлантиради.

Ўсмирлик даври психологик хусусиятларини ўрганиш асосда айнан шу давр инсон ҳаётида муҳим ҳисобланиб, унинг келажакдаги турмуш тарзини, маънавиятини белгилаб берувчи давр, деган хулосага келдик.

Ҳозирги кунда 7-9-синф ўқувчиларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳолатини ўрганиш асосида, бу жараён давр талаби даражасида эмаслиги ёки самарадорлик даражаси паст эканлигини аниқладик ва бу ҳолат ўсмир ўқувчиларда миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида мафкуравий иммунитетни шакллантириш методикасини ишлаб чиқишни тақозо этади.

II БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ

II.1. Таълим жараёнида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологияси

Ўқувчиларда миллий ғой ва унинг мазмун-моҳияти бўйича билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, уларда буюк аجدодларимизнинг миллий ғоя тўғрисидаги қарашлари ва бой маънавий меросларини ўрганиш асосида ҳосил қилинади. Ўқувчиларда миллий ғояни ўргатиш. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанидан ташқари режа асосида ўтиладиган ҳар бир фанни ўрганиш жараёнида олиб борилса бўлади. Кўп йиллик изланишларимиз ва тажрибаларимизга кўра ўқув жараёни ҳамда режадаги фанларнинг ўқув дастурларини ўрганиб чиқиш натижасида ўқувчилар онгига миллий ғояни сингдиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ўзининг ижобий самараларини беради, деган хулосага келдик.

Миллий истиқлол ғоясини ўқитишда қўлланиладиган педагогик технологиялар ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда янги техник-дидактик восита бўлиб, уларнинг амалий тафаккурини кенгайтириб ва чуқурлаштириб, миллий кадрият ва миллий ғояни талабалар қалбига сингдиришни юқори даражага кўтаришга хизмат қилади.

Ўқувчилар онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш жараёнини уч босқичда олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

биринчи босқич- ўқувчиларнинг миллий ғоя ва унинг мазмун-моҳиятига доир тушунчалар “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш орқали сингдирилади;

иккинчи босқич - миллий ғоя ва унинг мазмун-моҳияти ўқувчиларга бериладиган мустақил топшириқлардан фойдаланиб сингдирилади;

учинчи босқич - миллий ғоя, унинг мазмун-моҳияти, асосий ва бош ғоялари тўғрисидаги билим ҳамда малакалар дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар асосида сингдирилади ва ривожлантирилади.

Ўқувчилар онги ва қалбига миллий ғоя, унинг бош ва асосий ғоялари тўғрисидаги тушунчаларни ўқитишда интерактив методлардан фойдаланиш самарали натижалар беради. Бунда халқимизнинг ўтмишдан шу бугунги кунгача етиб келган бой маънавий меърослари, улуғ аждодларимиз Ат-Термизий, Хоразмий, Яссавий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Замахшарий, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Бобур, Улуғбек, Алишер Навоий каби машҳур алломаларнинг сиймоари, босиб ўтган ижод йўлини,

бунёдкорлик ишларини, фан ва маданият оламидаги бекиёс камоли, улар томонидан яратилган бебаҳо дурдона асарларини ҳамда халқимизнинг урф-одатлари ҳақидаги хулосаларни, халқ оғзаки ижоди намуналарида тараннум этилган миллий ғоя ва унинг асосий ғоялари ҳақида шахсда шаклланиши лозим бўлган бунёдкорлик ғоялари ҳақидаги маълумотлар, кўргазмали қуроллардан фойдаланлади.

Бунда ўқувчиларга миллий ғоя тушунчасини сингдириш қуйидаги кетма-кетликда бўлади:

- миллий ғоя;
- миллий ғоянинг бош ва асосий ғоялари;
- миллий ғоянинг ҳозирги кундаги аҳамияти;
- ғоянинг турлари (бунёдкор ва бузғунчи ғоялар)
- миллий ғоянинг мақсади;
- мафкура;
- миллий мафкуранинг ҳозирги кундаги аҳамияти;
- миллий қадриятлар ва миллий урф одатлар;
- шоиру олимлар ҳаёти ва ижоди, асарларининг аҳамияти;
- қомусий олимларнинг ҳаёти ва ижоди, асарларининг тарбиявий аҳамиятти.

Бу ҳолда миллий ғоя тушунчасини ўрганиш алгоритми қуйидагича бўлади:

1. Миллийлик тушунчаси – бирор халққа тааллуқли бўлган хислатлар маънавий бойликлар.

2. Миллий ғоя – муайян халқ, миллатнинг мақсадлар йўлида бирлаштириладиган ҳамда сафарбар этадиган, миллий дунёқараш, эътиқод асосларини шакллантирадиган ғоядир.

3. Миллий ғоянинг асосий босқичлари: тайёрлаш операцияси, ўзгартириш операцияси.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш технологияси ишлаб чиқилади.

Юқорида айтилган фикрларга таянган ҳолда ўқувчиларнинг миллий ғояга бўлган қизиқишларини, эътиқодини кучайтириш ва бу билимлардан ҳаётда фойдалана олиш имкониятини бойитиш мақсадида шундай бир оптимал вариантни қўллаш керакки, бунда ўқувчилар миллий ғоя тўғрисидаги назарий билимларидан ҳаётда фойдалана билсинлар.

Шундай қилибмиллий ғояни ўқувчилар онгига қай даражада сингдириш ва миллий ғояни ўрганиш учун маълумотлар мажмуи таҳлили ҳамда бунга замонавий технологияларни қўллашнинг имкониятлари қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

- жаҳонга машҳур бўлган аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, асарлари, бунёдкорлик ишлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш имкониятларимиз етарли. Уларнинг турмуш тарзи ва бунёдкорлик ишлари баркамол авлодни тарбиялашда ибрат-намуна бўлади.

- ёш авлод етук мутахассис бўлишлари учун онгида ғоявий бўшлиқ бўлмаслиги лозим. Миллий ғояни ўрганиш нафақат таълим жараёнида, балки дарсдан ташқари тадбирлар жараёнида ҳам олиб борилиши зарур.

- миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдириш ва миллий қадриятларни ўрганишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Бу қайд этилган омиллардан ўқувчиларга мафкуравий тарбия беришда фойдаланиш, илм – фаннинг илғор технологияларини қўллашни давр талаб қилмоқда. Бу борада олиб борилган ишларимизнинг натижалари кўрсатишича, ўқувчиларга миллий ғоя тўғрисидаги тушунчаларни сингдиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти бекиёсдир.

Ёш авлодда мафкуравий иммунитет шаклланадиган бўлса, информацион-психологик ҳуружнинг таъсири шунчалик кам бўлади, яъни ҳуруж бартараф этилади. Бунинг учун эса қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- ўқувчилар онгида мушоҳада ва таҳлил жараёнларини яна ривожлантириш чора-тадбирларини жадаллаштириш лозим;
- давлат олиб бораётган ҳар бир ислохот, ҳар бир жараён ҳақида, сиёсий ва ижтимоий янгиликларнинг ҳар тарафлама таҳлилини оммавий-ахборот воситалари орқали ўқувчилар онгига сингдириш керак.

Нафақат ёшларда, катта ёшдагиларда ҳам мафкуравий иммунитетни ҳамда хушёрлик ва огоҳлик рефлексациясини шакллантириш керак.

Ёшларнинг иммунитетларини шакллантириш учун муайян такомиллашган технологияни қидириб топиб, уни мантикий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга қўллашгача бўлган даврийлик мураккаб жараёндир.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш алоҳида муносабат билан ёндошишни, услубиётни ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни тақозо этади. Бунга асосий сабаб:

- иммунитетни шакллантиришда муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизликка учраш таҳдидининг мавжудлиги;

- ёшлар тўқнашадиган, баъзан кўп йиллар давомида муваффақиятли ёки муваффақиятсиз курашадиган ҳаётий ҳолатлардан бири - бу фикрнинг ўйлаганидек руёбга чиқмаслигини англаш;

- ёшлар ўзининг дунёқараши, тасавури даражасидан келиб чиқиб, фикрлайди ва бу фикрлашни вазиятнинг ижобий ёки салбий ҳолатлари билан боғлаб таҳлил қила олмаслигидир.

Тадқиқотимиз давомида умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9 синфларида ўқитиладиган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш борасида изланишлар олиб бордик ва бир неча соат дарсларни замонавий технологиялар асосида ташкил этдик. Қуйида ана шундай дарс ишланмаларидан намуналар келтирамиз.

9-синф. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани.

Мавзу: Ғоявий бўшлиқ нима?

Технологик харита

Дарс мақсади		а) ўқувчиларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга доир билимларини мустаҳкамлаш, ғоявий бўшлиқ ва уни бартараф этиш йўллариини ўргатиш; б) ўқувчиларда мафкуравий имунитетни шакллантириш; в) ўқувчилар мънавиятини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш.	
Дарснинг информацион- услубий таъминоти		Дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, “Венн диаграммаси”, ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш учун рефератлардан, кўргазмали методлардан фойдаланилади.	
Дарснинг жиҳозлари		Миллий ва умуминсоний қадриятлар акс этган суратлар, тарқатма материаллар, “Венн диаграммаси”ни тайёрлаш учун тарқатма материаллар, кўргазмали материалларни намоиш этиш учун электрон доска.	
Дарснинг бориши			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	3 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Ўтган мавзуни текшириш.	10 минут	1)Тарқатма материаллардан фойдаланиб ўтказилади.
		3 минут	2) Уйга берилган топшириқ – рефератлар текширилади.
III	Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш.	10 минут	Ўқувчилар 2 гуруҳга бўлиниб “Венн диаграммаси”ни тўлдирадилар.
IV	Янги мавзу баёни.	3 минут	1) Табиатдаги вакуум ҳолати ҳақида маълумот бериш.
		6 минут	“Ғоявий бўшлиқ”, уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва оқибатлари ҳақида маълумот берилади.

V	Янги мавзуни мустаҳкамлаш.	8 минут	Вайронкор ғояларнинг салбий оқибатларига доир сураатлар намоиш этилади. Ўқувчилар саволларига жавоб берилади.
VI	Машғулоти яқунлаш.	2 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги машғулот учун мустақил топшириқлар беради.

Машғулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Ўтган мавзуни текшириш.
- III. Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш.
- IV. Янги мавзу баёни.
- V. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.
- VI. Дарсни яқунлаш.

Машғулотнинг бориши:

I.Ташкилий қисм.

II. Ўтган мавзуни текшириш.

1-босқич. Ҳар бир савол алоҳида қоғозга ёзилиб талабаларга тарқатма материал тарзида берилади).

1. Миллий қадриятлар нима ва улар нима учун «миллий» деб номланган?
2. Умумбашарий қадриятлар ҳақида маълумот беринг.
3. Истиқлол ғояси миллий қадриятларни ривожлантириш борасида нималарни назарда тутати?

2-босқич. Уйда «Миллий қадриятларимиз» мавзусида реферат ёзиш топшириғи берилган. Шу топшириқ текширилади ва ўқувчиларнинг айримлари иш режалари билан таништирадилар. Рефератлар чуқурроқ ўрганиш учун йиғиб олинади.

3-босқич. Ўқитувчи тарқатма материаллар асосида ўқувчиларни баҳолайди.


III. Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш.

1. «Миллий қадриятлар» ва «умуминсоний қадриятлар» тушунчалари ўртасидаги фарқ ва боғлиқликларни аниқлаш. Венн диаграммасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.


1-босқич: Бунинг учун ўқувчилар 2 гуруҳга ажратилади. 1-гуруҳ ўқувчиларига миллий қадриятларга тааллуқли, 2-гуруҳ ўқувчиларига умуминсоний қадриятларга тааллуқли тушунчаларни ёзиш талаб этилади. Ўқувчилар яқка ҳолда ишлайдилар.

Миллий қадриятлар

Умуминсоний қадриятлар



2-босқич: 1-гуруҳдаги ўқувчилар 2-гуруҳ ўқувчилари билан жуфтликларга бирлашадилар. Фикр-мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда кесишадиган иккита доирачани тўлдирадилар. Бунда доирачаларнинг кесишган қисмига умумий тушунчалар, кесишмайдиган қисмига ўзига тааллуқли тушунчалар ёзилади.



3-босқич: жуфтликлардаги ўқувчилардан бири топшириқ тақдимотини ўтказади. «Венн диаграммаси»ни тўғри ва кўп сўзлар билан тўлдирган ўқувчи рағбатлантирилади ва баҳоланади.

IV. Янги мавзу баёни.

1-босқич. «Вакуум» - «бўшлиқ» тушунчаси ҳақида маълумот бериш. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга табиатда учрайдиган вакуум ҳодисаси ҳақида маълумот беради. Бунда оғзи кичик шиша идиш, пишган тухум ва оловдан фойдаланиб тажриба ўтказиб кўрсатади.

Ўқитувчи пишган тухумни артиб оғзи кичик шиша идиш ичига қоғозни ёқиб солади ва шиша оғзига тухумни қўяди. Олов ёнгани сайин тухум сўрилиб шиша ичига тушади. Яъни, олов ёнганлиги сабабли шиша идиш ичида ҳаво қолмайди ва ҳаво йўлини тухум тўсганлиги учун у шиша ичига тушади. Демак, шиша ичидаги вакуум ҳолати ўрнини албатта тўлдиришга интилади.

2-босқич: Ўқитувчи «Ғоявий бўшлиқ» ҳақида маълумот беради.

«Ғоявий бўшлиқ» деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, ҳаётий заруратга айланаётган янгича қарашлар, тушунча ва тасаввурларнинг қадрсизланиши, ҳаётий заруратга айланаётган янгича қарашлар, тушунча ва тасаввурларнинг тўлиқ англаб етилмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган бўшлиққа айтилади.

Ўқитувчи ғоявий бўшлиқни юзага келтирувчи сабаблар, унинг оқибатлар ҳақида ўқувчиларга тўлиқ маълумот беради.

V. Янги мавзунини мустаҳкамлаш.

1-босқич. Ғоявий бўшлиқ оқибатларига доир суратлар намойиши.

Ўқитувчи ғоявий бўшлиқ юзага келган жараёнда инсонлар онгига таъсир этишга уринувчи вайронкор ғоялар - диний экстремизм, ақидапарастлик, халқаро терроризм кабиларнинг оқибатлари акс этган суратлар намойиш этилади.

Шу билан бирга миллий истиқлол ғоясининг аҳамияти ҳамда инсонпарлик, умумбашарий қадриятларни ўқида акс эттириши изоҳланади.

2-босқич. Ўқувчилар саволларига жавоб бериш.

VI. Дарсни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзунини хулосалайди, ўқувчилар рейтингини эълон қилади. Кейинги дарсга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

Бундай дарслар нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларда ҳам қизиқишлар уйғотди ва муваффақиятли кечди.

Ўқитувчи ўқувчиларни ғоявий-мафкуравий ва маънавий тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг роли хусусида фикр юритиш учун албатта ўз

тингловчиларининг оилавий шароитлари, уларни ўраб турган ижтимоий муҳит аниқ маълумотларга эга бўлиши дарс самарадорлигини ошириб бориши ва унинг таъсирчанлигини кўтаришда муҳим рол ўйнайди. Бу борада ҳам биз ўзимизнинг шахсий педагогик фаолиятимизда бирмунча ижобий натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик.

II.2. Синфдан ташқари тадбирлар воситасида ўқувчиларда миллий истиқлол тушунчаларини таркиб топтириш

Узлуксиз таълимда мактабдан ташқари таълим муассасаларига бўлган эътибор афсуски талаб даражасида эмас. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш механизмларидан яхши фойдаланилмаётганлиги, унда бир қатор йўналишлар каби эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаётганлиги қайд этилган бўлиб, ёш авлод маънавий камолотини таъминлашда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ката аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланган.

Ўсмирларнинг маънавий ривожланишида биологик, ижтимоий омиллар билан бир қаторда мақсадга йўналтирилган таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган фаолият ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Фаолият деганда ўсмирнинг мактаб ва мактабдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ўз устида ишлаши ва шуғилланадиган турли машғулотлар тизими тушунилади. Ўсмирнинг бир бутун ҳар томонлама гармоник ривожланиши, ҳаётга бўлган муносабати унинг фаолияти натижасида таркиб топади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мактабдан ташқари тўғарак машғулотлари ва спорт билан шуғулланувчи ёшлар бўш юрган ёки бошқа ишлар билан шуғулланувчи ўқувчиларга нисбатан мактаб дастури ўқув меъёрларини чуқурроқ ўзлаштирадilar. Яна шуни таъкидлаш керакки, спорт, санъат ва ҳунармандчилик ўзига яраша меҳнат, сабр-қаноат ва матонат талаб қилади, ёшларни сабрли, матонатли, меҳнатсевар ва иродали қилиб тарбиялайди.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ўсмирларнинг мактабдан ташқари мусикий тўғараклар фаолиятида маънавий ва ғоявий жиҳатдан шаклланишига таъсир этадиган ижтимоий, педагогик омиллардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожланиш даражаси; шахснинг жисмоний ва психологик функцияларининг ривожланганлиги ёки унинг ижтимоий ривожланиш ҳолати; маънавий муҳит; тўғарак раҳбари ва ўз тенгдошларининг маданий ривожланганлик даражаси; ўсмирнинг жамиятда, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабати; тўғаракда уюштирилган тадбирларда қатнашиши атроф-муҳитда рўй бераётган салбий ҳодисаларга муносабати; ўсмир ўқиётган ва фаолият юритаётган психологик муҳит; ўсмирнинг эркин мулоқот доираси(уй, кўча, турли дам олиш шакллари); кадриятларни ўзлаштиришга қаратилган тарбиявий тадбирлар; маданий-тарихий, диний анъаналар, урф-одатлар, оммавий ахборот воситалари.

Турли омиллар тарбияга бир хил таъсир кўрсата олмайди, улар таъсир кучи ва йўналтирилганлигига кўра фарқ қилади. Ташқи муҳит, оила, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ўта таъсирчан (ижобий ва салбий) омил ҳисобланади. Ўсмирлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ёт ғоялар ва таҳдидлар ўсмир қалби ва онгини забот этишга, уларни ўз миллий кадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга қаратилади. Уларга қарши мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун барча таъсир воситаларидан фойдаланиш, ёшларни тараққиёт қонунларини ўзида чуқур акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур.

Бундай ижтимоий омиллар ўқувчи ижтимоий-маънавий ҳаёти кўламини кенгайтиради, уларга нисбатан баҳолар тизимини шакллантиради, маънавият мазмунига алоқадор педагогик омиллар кучини оширади ҳамда мустаҳкамлайди. Ушбу жараёнга алоқадор бўлган ижтимоий-педагогик механизмлар – таҳлид, таъсирланиш, ўрнат олиш, ўрнат кўрсатиш, таҳлил қилиш, ҳулоса чиқариш, ижтимоий бурч, ўқувчи-ўқитувчи, раҳбар ва фуқаро, баҳолаш, ҳукм қаби ҳодисалар бевосита машғулотлар ва таълим-тарбия жараёни тизимида ўсмирларда миллий истиқлол ғояларини шакллантирувчи педагогик омиллар вазифасини бажаради.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда мактабдан ташқари таълим жараёнида ўсмирларни ижтимоий-иқтисодий фаолликка йўналтиришда қизиқарли, фаол, ноанъанавий, янги инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда касбий билим асосларини бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмирнинг ривожланиш даражаси унинг ақлий фаолият юритиш услубларини эгаллашигагина эмас, ўзига ва уни қўшаб турган турғун муносабатлар тизимида ҳам боғлиқ.

Ўсмирларни ижтимоий шакллантириш ва ривожлантириш шартларидан яна бири уларнинг жамият билан муносабатга киришишга бўлган эҳтиёжидир. Айнан шу эҳтиёж орқали ўсмир ҳамкорлик фаолиятининг турлича шаклларига кириб, ўзининг турли истакларини қаноатлантириши, янги эҳтиёжларни шакллантириши мумкин. Шунингдек, ўсмирнинг ижтимоий йўналганлиги, машғулотларга бўлган қизиқиши, воқеа - ҳодисалар моҳиятини теран таҳлил эта олиш кўникмаларига эга бўлиши шу асосида маданий ҳаёт моҳиятига теран кириб бориши билан ҳам асосланади. Ўсмирнинг маънавий ривожланишида у шуғулланаётган тўғарак жамоасининг фикри, жамият қабул қилаётган идеал, ахлоқий меъёр ва қоидаларга мос келиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Миллий мустақилликка эришганимиз муносабати билан нафақат академик лицейлар, касб-хунар коллежларида, балки умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида дарсдан ташқари машғулотларни кадрлар тайёрлаш жараёнида тинмай такомиллаштириб бориш мамлакатимизда Давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Жумладан, бу борада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да масала шундай қўйилади:

“Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун даражасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;
- миллий педагогик кадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари тиклаш ҳамда, амалиётга жойи этиш” лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни таълим-тарбия бобида дарсдан ташқари вақтларини, уларнинг замонавий комил инсонлар этиб тарбиялашда республикамиз илғор педагоглар аҳли олдида қўйган бундай мураккаб вазифаларини амалга ошириш, ушбу тадқиқотнинг асл мотивацияси ҳисобланади.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда “Диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик – ҳаёт кушандаси”, “Терроризм ва гиёҳвандлик – XXI аср вабоси”, “Ўз ҳуқуқингни биласанми?”, “Терроризмнинг мудҳиш оқибатлари” мавзуларида учрашувлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида давра суҳбатлар ўтказиб бориш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «Мактабдан ташқари таълим» тушунчаси билан бирга, «дарсдан ташқари ишлар» тушунчаси мавжуд. Умумтаълим мактаблари тизимида

мавжуд бўлган «Мактабдан ташқари таълим муассасалари» ўзида қатор мустақил таълим-тарбияга бевосита алоқадор бўлган муассасаларни ўз ичига олади. Чунончи, Республика ўқувчилар саройи, Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази, Республика таълим маркази ва унинг қошидаги Илмий-методик кенгаши, Республика «Био екосан» ўқув-услубий мажмуи муассасаларида Республика миқёсида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тасарруфида фаолият олиб боради.

Мазкур таълим муассасаларининг талабалар билимини такомиллашуви ва айниқса онгли касб-хунар эгаллашларидаги ўрни ва ролини нақадар улкан эканлигига гап йўқ. Бироқ, шунга қарамасдан ўқувчиларимиз кўп ҳолларда умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлаб, ЎМКХ таълими тизимига ўқишга кирганларидан кейин уларнинг мактабдан ташқари муассасалар билан алоқалари деярли узилади. Бу деган сўз 9-синфни тамомлаб, академик литсей ёки касб-хунар коллежига ўқишга кирган талаба бир томондан гўё таълимнинг узлуксизлигини шараф билан бажо келтирди. Хўш, дарсдан кейинги машғулотлардаги узлуксизлик қаерда қолди? Ҳолбуки, юқорида кўрсатганимиздек, Республика ўқувчилар саройи, Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, Республика «Био екосан» ўқув-услубий мажмуаси, Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази, ЎМКХТ академик литсейлар онгли касб танлашлари ва унинг давр талаби даражасида яна такомиллаштириб – эгаллаб боришларида бениҳоят катта аҳамият касб этарди. Фикримизча, бу борада Республикаимизнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Халқ таълими вазирликларининг соҳа мутахассислари орасида интеграцион ҳамкорлик янада такомиллаштирилса комил инсонни тарбиялаб, вояга етказиш йўлидаги умуммиллий мақсадимизни амалга оширишда беназир имкониятлар яратган бўлур эдилар.

Шундай экан, педагоглар биринчи галда таълим-тарбия жараёнини том маънода демократлаштириб бориб, Президент И.Каримов ибораси билан айтадиган бўлсак, Давлат ва жамиятни бошқаришни эркинлаштириб бориб, мазкур ўринда алоҳида олинган муаммо – миллий ғоя фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда биргина маълум бир доирадаги муаллифлар жамоасига макбул бўлган «Дастур» ва «Ўқув қўлланма»ларга догматик муносабатда бўлиб, уларгагина ёпишиб қолмасдан, аксинча, уларга ижодий ёндашиб, вариатив муносабатда ёндашиши бугунги давр талаби эканлигини шунингдек, ўқув жараёнини демократлаштириш билан унинг ижодий ривожлантириб бориш узлуксиз жараён эканлиги таълим-тарбиянинг бизни ўраб турган жўшқин жараён эканлигини асло унутмаслиги керак.

Мазкур ўринда ўқувчиларда миллий ғояни самарали шакллантириб боришда,

таълимнинг ёшларимизни ўраб турган ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлаб бориш, узок ўтмишимиздан буён ота-боболаримиздан бизга ўтган мерос бўлиб келаётган беназир тарихий ёдгорликларимизни кузатилган мақсадимизга мувофиқ мукаммал ўрганиб боришимиз Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепция – «Тарихий хотирасиз – келажак йўқ» лигига оғишмай амал қилиш айтилиши муддаодир.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, ўзбек халқи томонидан асрлар давомида яратилган ва миллий бойлигимиз бўлган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш маънавий дастуримизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Эндиги вазифамиз ёш авлодга «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фани асосларидан таълим-тарбия бериш жараёнида, айниқса синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва бошқаришда ота-боболаримизнинг қолдирган тарихий меросларидан уларда миллий ғояни шакллантириш ва ўқувчиларнинг бу фандан олган назарий билимларини уларнинг кундалик амалий фаолиятларида қўллай билишларига, қолаверса уларда “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслик” ғояларини мустаҳкам шакллантириб боришда айтилиши муддаодир.

Энди қуйида ўқувчиларга Ватанимизнинг бой маданий мероси, обидалари, айниқса миллий мустақиллигимиз йилларида бунёд этилган айрим тарихий ёдгорликлар мажмуи билан танишиш мақсадида олиб борилган амалий ишлардан намуналар келтирилади.

Биринчи галда ўқув йили бошида ёшларда миллий ғоя ва мафкурасини шакллантиришни давр талаби даражасига кўтариш мақсадида “Таълимдан ташқари ишларни тизимли равишда амалга оширишни такомиллаштириш”нинг қуйидаги режаси тузиб чиқилади.

1. “Миллий ғоя” фанининг асосчиси Президент Ислам Каримовнинг асарлари, нутқлари, оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюларини атрофлича ўрганиш, уларда илгари сурилган илмий-назарий тамойилларни ҳар бир ўқувчи онгига оператив равишда етказиш мақсадида “Ёш сиёсий шарҳловчилар” тўғрагини тузиш самарали натижалар беради. Мазкур тўғаракда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида кўтарилган айрим муҳим масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, ўқувчиларнинг кенг оммаси муҳокамасига тавсия этилди. Лозим топилса Халқаро майдонда содир бўлган масалаларга бағишлаб ўтказилган тадбирларда мавзуга бағишланган рефератлар ҳам тайёрланади ва ҳимоя қилинади.

2. Ҳар бир ўқувчига “Ўзбек модели”нинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш “Қонун устуворлиги”, мустақил Ўзбекистонимизда “Қонуний демократик жамият қуриш” асослари системали равишда сингдириб бориш мақсадида “Ёш ҳуқуқшунослар” тўғрагини ташкил этиш.

3. Дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларни мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликлар, маърифий-маданий масканлар, санъат кошоналари, айниқса мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан атрофлича таништириш мақсадида тарихий экскурсиялар уюштилади.

4. “Ёш ўлкашунослар”, “Ёш ватанпарварлар” тўғаракларини ташкил этиш.

5. Ўқувчиларга ўз маҳаллалари, қишлоқлари, туманлари тарихи мавзусида реферат ёзишни топшириш.

6. Маҳалла фаоллари, оксоқоллари иштирокида “Маҳалламиз тарихидан” мавзусида давра суҳбати ўтказиш.

7. “Диний экстремизм нима?” мавзусида Ўзбекистон Республикаси, вилоят, туман ИИБ раҳбар-вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказиб бориш.

8. Ўқув юрти кутубхонасида тарихий саналарни нишонлашга бағишланган китобхонлар конференциясини ўтказиш.

9. “Огоҳми биз?” мавзусида суҳбат.

10. Тарихчи-археолог олимлар билан “Ватанимизнинг ўтмиши ва бугунги истиқболлари” мавзусида суҳбат ўтказиш.

11. Республикамиз қуролли кучлари, ИИБ, Давлат хавфсизлиги кўмитаси ходимлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида “Ватанни севмоқ иймондандир!” мавзусида давра суҳбати ўтказиш.

Инсон шахсининг камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади. Унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, маҳалла, дўстлари, жамоат ташкилотлари, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар бевосита таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларга миллий ғоя ва мафқурани таълимдан ташқари ишлар орқали сингдиришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишига кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндошув, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиб кўриш. Болалар

иждокорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит хозирлаш;

- инсонпарварлик одоби меёрларини шакллантириш (бир-бирини тушуниш, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга қарши кураша олиш), муомала одоби каби тарбия воситаларини кенг қўллаш;

- одамлар билан ўзаро муносабат – мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентиға садоқатли қилиб тарбиялаш;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойиликни, экологик таълим-тарбияни амалга ошириш;

- мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига қизиқишни ошириш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;

- турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

- ёшларимизни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Таълимдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суянган ҳолда, уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради. У ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Таълимдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, тўғарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар ўсмирларнинг ижтимоий шахс сифатида шаклланишлари учун қатор имкониятлар яратади.

Таълимдан ташқари ишларни амалга ошириш орқали ўқувчилар ўртасида миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, шакллантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларни такомиллаштириш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Ўқувчиларнинг бир кунлик вақт бюджети: ўқув ва дарсдан ташқари вақт сарфини аниқлаш ва шу асосда таълимдан ташқари ишларни самарали ташкил этиш чора-

тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда: танловлар, клублар, бадий ҳаваскорлик, учрашувлар, баҳслар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, тренингларда ишонтириш, намуна кўрсатиш, ўрганиш, машқ қилдириш, рағбатлантириш, иллатларга салбий муносабат билдириш, мунозаралар, кузатиш, тренинг, жамоавий ижодий фаолият, “мафкуравий вазият”, ҳаракатли, тақлидли, ролли ўйинлар ва бошқа усуллардан самарали фойдаланиш лозим.

Ўзбек оилаларидаги китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаб сақлаш ва китобхонлик ҳалқимиз маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этган фазилатга айланган.

Чунки кишининг ўзини-ўзи тарбиялашида китоб ҳам билим манбаи, ҳам ўзингизни кўриш, таққослаш, тақлид қилиш, мунозара юритиш, баҳслашишда маълум даражада кўзгу вазифасини ўтайди. Китобхонлик мушоҳада ва мулоҳаза юритиш иқтидорини шакллантиради, фикрни чархлайди, теранлаштиради. Таълимдан ташқари ишларда ёшларни китоб мутуала қилишга даъват этиш, уларнинг китоблардан фойдаланиб ўз устида ишлаш имкониятларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий жойлар, осори атиқалар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар билан танишиб, уларни ўрганишга ўқувчиларни жалб этиш зарур. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Музейларга ўқувчиларнинг ташрифини уюштириб бориш анъанага айланиши керак.

“Менинг давлатим”, “Менинг ҳалқим”, “Менинг Ватаним”, “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам” ва шу каби мавзуларда турли маърифий тадбирлар ташкил этиб, уларда ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика маънавият-маърифат марказлари, олийгоҳлар, илмий текшириш институтлари, музейлар, саёҳат муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиши зарур. Музейлар, тарихий жойлар, завод-фабрикалар, санъат даргоҳлари, концерт заллари, театр, телевидение ва ҳоказоларга саёҳат дарсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тарихий жойларга саёҳат ўзига хос маънавий-маърифий иш услуги бўлиб, ўқувчиларга ўрганилаётган объектни бевосита кўриш, кузатиш ва улар тўғрисида мукамал, тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради. Бу дарс афзаллигининг яна бир томони бўлиб, ўрганилаётган объект тўғрисида илгариги мавжуд билимларини тўлдириш учун қиёслаш, таҳлил қилиш шароитини яратади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудий бирликларида саналар, номлар, тарихий воқеалар, даврлар билан боғлиқ жойлар мавжуд. Улар кўча, тепалик, бино, сой, ариқ, қишлоқ, овул,

маҳалла бўлиши мумкин. Саёҳатларни ўқув муассасасига яқин, ўқувчиларнинг яшаш жойларида уюштириш қатор қулайликларга эга.

Учрашувлар, танишувлар, кўргазмалар, кўрик-танловлар ташкил қилиш миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Миллий ғояни ўқувчиларга сингдиришда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар халқ севган адиблар, санъат усталари, ҳуқуқ органларининг вакиллари, Ватан қаҳрамонлари, ҳарбийлар, солиқ, меҳнат бўлимларининг ходимлари, сиёсий партияларнинг вакиллари, олимлар, сиёсатчилар ва спортчилар бўлиши мумкин. Бундай жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ҳаёт тажрибалари хусусида жонли мулоқот юритишга имкон беради. Улар билан мулоқот орқали ўқувчилар ўзларини қийнаётган, қизиқтирадиган саволларга бевосита жавоб оладилар. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти Ватан учун хизмат қилиш ғоясига яққол мисол бўлиб, ўқувчиларни ана шу йўсинда яшашга ундайди. Фан бўйича тўгараклар ташкил этиш ва уларнинг муттасил ишлашини таъминлаш миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдиришда муҳим таълим-тарбия жараёни ҳасобланади.

Тўгараклар ва ёшлар клубларида кўрик-танловлари ёки конференциялар, фотосуратлар, альбомлар, расм чизиш, кашта, сўзана ва бошқа миллий ҳунармандчилик ишларини намоиш қилиш билан ҳам миллий ғоя тушунчалари сингдирилиши мумкин.

Ёшларнинг тўй-маъракаларда, оммавий сайиллар, байрамларда иштироки асосида маҳаллада ўзини тутишни, каттага ҳурмат, кичикка иззатни, яхши-ёмон кунларда елкадошликни ҳис қилишни ўргатиш орқали миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабатни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

II боб юзасидан хулосалар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мафкуравий иммунитетни шакллантириш сиёсий тарбия, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбия билан уйғунликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Мафкуравий фаолият ана шундай яхлит тизим шаклига келтирилгандагина, мукамаллик касб этади. Умуман олганда, тарғибот-ташвиқотнинг таъсирчанлигини оширишда қуйидаги усулларни қўллаш кутилган самарани бериши мумкин:

- биринчидан, тарғиботда мураккаб, чалкаш мавҳум фикрлардан фойдаланиш самарасиздир. Мазмун қанчалик содда, аниқ тушунтирилса, таъсири шунчалик юқори бўлади.
- иккинчидан, инсон кўпроқ ҳиссий таъсирга мойил бўлади, шунинг учун унинг ақл-идроки билан бир қаторда, ҳис-туйғуларга ҳам мурожаат қилиш яхши самара беради.

- учинчидан, дарс учун фойдаланиладиган материаллар чуқур ўйланган, мантикий изчил, ижодкорона ишлаб чиқилган бўлиши даркор;
- тўртинчидан, билим ўзлаштиришдаги қудратли усул такрорлашдир;
- бешинчидан, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишларининг самарасини ошириш учун ноанъанавий усуллари қўллаш ва илғор тажрибаларни кенг ёйиш талаб этилади.

Яна бир фикр: мутахассисларнинг таъкидлашича кишиларнинг фаолликка чақирадиган, ҳаракатга ундайдиган ташвиқот кўпроқ самара беради. Шунинг учун «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» ёки «Ватанни севмоқ иймондандир» ғоялари билан бир каторда «Ватан сенинг хизматингга муҳтож», деган ғояларни ҳам тарғиб қилиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя миллатнинг, жамиятнинг маънавий – руҳий олами Фикр-Мақсад-Ғоя-Мафкура деб аталган қудратли устунлар узра қад кўтаради.

III БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9 синф ўқувчиларида миллий истиқлол ғоясига доир тушунчаларни шакллантириш орқали мафкуравий иммунитетни шакллантиришга доир олиб борган тадқиқотимиз самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишларини олиб бордик. Тадқиқот илмий фаразига ва тажрибаларимизга таянган ҳолда Қарши шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактабида ва –туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабларида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини замонавий технологияларга асосланган ҳолда ташкил этдик. Ҳар бир машғулот технологиясини ишлаб чиқишда замонавий технологиялардан, интерактив методлардан кенг фойдаландик. Шу билан бирга ўқувчилар билан биргаликда дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар ташкил этдик. Бундай тадбирлар “Юрт тинчлиги – ҳаётимиз фаровонлиги гарови”, “Ҳуқуқий саводхонлик танлови”, “Аجدодларимиз ва дунё илм-фани”, “Соҳибқирон Амир Темур” мавзуларида ўтказилди.

Бундай дарс машғулотлари ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар нафақат ўқувчиларда, балки мактаб педагогларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Буни фан ўқитувчиларининг қуйидаги фикрлари орқали ҳам кўриш мумкин.

3. Болтаева - “Миллий ғояси ва маънавият асослари” фани ўқитувчиси: - “Тадқиқотчи билан ҳамкорликда 7-9 синфларда ўқитиладиган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича бир нечта машғулотни замонавий педагогик технологиялар ва интерактив методлар асосида ташкил этдик. Машғулотлар давомида ўқувчилар билан ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши, ўсмирларнинг психологик хусусиятига жуда мос келди ва улар дарсда фаол иштирок этдилар. Шунингдек,

қўлланилган “Кластер”, “Бумеранг”, “Хризионтема” каби интерактив методлар ўқувчилар фаоллигини оширишга ва ўқув материални мустаҳкам ўзлаштиришларига ёрдам берди. Аминманки, машғулотларни бундай технологиялар асосида ташкил этиш ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясига доир тушунчаларни мустаҳкам ўзлаштиришга олиб келади ва улар асосий ғоядан ҳеч қачон ғишмайдилар”.

Г.Баратова – мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари: “Юқори синф ўқувчилари билан уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга доир қатор тадбирлар ташкил этилди. Унда ўқувчилар фаол иштирок этдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилдилар. Бундай тадбирлар давомида ўқувчилар миллий истиқлол ғоясига доир тушунчаларни яхши ўзлаштирдилар. Менимча, бундай йўналишдага давра суҳбатлари, танловлар ва бадий кечаларни кўпроқ ташкил этиш ўқувчиларимизни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилади”.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари билан олиб борилган машғулотлар ва тарбиявий тадбирлар якунида уларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик. Тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат синфларидан тажриба аввалида ва якунида олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлил қаттижасини қуйидаги жадвалда келтирамыз:

3.1-жадвал

7-9-синф ўқувчиларида мафкуравий иммунитет шаклланганлик даражасининг қиёсий таҳлили

Синфлар	Ўқувчиларнинг жавоблари					
	Юқори даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	Наз.	Таж.	Наз.	Таж.	Наз.	Таж.


	синфи	синфи	синфи	синфи	синфи	синфи
7- синф ўқувчилари	9/11	10/16	21/22	25/32	25/22	25/12
% ҳисобида	16/20	16/27	38/40	42/53	46/40	42/20
8-синф ўқувчилари	12/13	10/17	25/27	23/26	25/22	24/14
% ҳисобида	20/21	18/30	40/44	40/46	40/35	42/24
9-синф ўқувчилари	12/14	14/20	26/29	24/28	22/17	24/14
% ҳисобида	20/23	22/32	43/49	39/45	37/28	39/23
жами	33/38	34/53	72/78	72/86	72/61	73/40
% ҳисобида	18/21	19/30	41/44	40/48	41/35	41/22

(Изоҳ: қаср (9/11) суръати (9)-тажрибагача, маҳражи (11)- тажрибадан кейинги натижалар).

Натижалар янада яққол намоён бўлиши учун тажрибагача ва тажрибадан кейинги натижаларни диаграммаларда кўрсатамиз:

3.1-чизма


Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражаси (тажрибагача бўлган кўрсаткичлар)



Кейинги диаграммада тажриба якунида тажриба ва назорат синфи ўқувчиларида мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини кўраамиз:

3.2-чизма

Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражаси (тажриба якунидаги кўрсаткичлар)



Диаграммдан ҳам кўриниб турибдики, тажриба аввалидаги натижалар тажриба ва назорат гуруҳларида деярли бир хил бўлган. Тажриба якунида эса тажриба синфларидаги кўрсаткичларда ўсишлар кузатилади. Яъни юкори даражада жавоб берган ўқувчилар сони 19%дан 30%гача ўсган. Ўрта даражада жавоб берган ўқувчилар сони эса 40%да 48%гача ўсган. Назорат синфидаги кўрсаткичлар эса юкори даражада 20% дан 23 %гача, ўрта даражада жавоб берганлар сони эса 41%дан 44%гача ўсган, холос. Бундай кўрсаткичлар эса тадқиқот ишимизнинг самарадорлигидан дарак беради.

III боб юзасидан хулосалар

Умумий ўрта таълим мактабларнинг 7-9-синф ўқувчилари билан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

- биринчидан, ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда иола ва мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим;
- иккинчидан, таълим-тарбия жараёнида кўргазмалар, аудио-визуал воситалардан фойдаланиш яхши самара беради;
- учинчидан, ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясига доир тушунчаларни таркиб топтириш, айниқса, ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ғоявий бўшлиқнинг юзага келиши олдини олади;
- тўртинчидан, миллий истиқлол ғоясига доир тушунчаларни таркиб топтириш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш педагоглар фаолиятининг самарадорлиги омили ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим педагогик муаммо эканлиги назарий жиҳатдан асосланди. Шу муносабат билан миллий истиқлол ғоясига доир тушунчалар ва мафкуравий иммунитет тушунчасининг моҳияти, мазмуни ва унинг асосий негизлари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди. Юртбошимиз И.А.Каримов асарларида ушбу ғоянинг ифода этилиши, унинг Ўзбекистон тараққиётидаги аҳамияти кўрсатилиб, миллий истиқлол ғоясига оид адабиётлар назарий жиҳатдан таҳлил этилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Давлат таълим стандартларида ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дастурида миллий истиқлол ғояси, мафкуравий иммунитет тушунчасининг ифодаланиши илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди. Шунингдек, тадқиқот ишида узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг босқичлари ишлаб чиқилди.

3. Ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясига доир тушунчаларни таркиб топтириш, соғлом маънавиятни ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш – мамлакат барқарорлиги тараққиётининг аҳамиятли кафолатидир. Шу муносабат билан ўсмир ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг такомиллаштириш йўллари кўрсатилди.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг дарсда ва дарсдан ташқари жараёнда миллий истиқлол ғояси ғоясини амалга оширишда лозим бўлган вазифалари ҳақида тавсиялар берилди. Бу борада йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари, бажарилиши керак бўлган ишлар, мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари кўрсатилди.

5. Миллий истиқлол ғоясига доир тушунчаларнинг ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамияти, уларнинг шахс тарбиясидаги ўрни назарий ва илмий-методик жиҳатдан таҳлил этилди.

6. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш тамойиллари ва мазмуни ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, 7-9-синфларда “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш технологиясига доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Тадқиқотда ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш уларда юрт тинчлиги ва ватан равнақи учун интилиш; халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш; комил

инсон бўлиб етишиш; миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва шу билан биргаликда бошқа миллат қадриятларни ҳурмат қилиш; диний бағрикенгликни амалга ошириш каби ғояларни таркиб топтириш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари орқали амалга оширилиши илмий-назарий жиҳатдан далилланди.

8. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, амалга оширишнинг йўллари ва натижалари кўрсатилди. Фан ўқитувчилари учун тузилган сўровнома жавоблари назарий жиҳатдан таҳлил этилди. 7-9-синф ўқувчиларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш тизими ишлаб чиқилди.

9. Умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш тизимининг самарадорлигини ошириш омиллари сифатида замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиладиган дарслар, викториналар, тарбиявий тадбирлар шакллари кўрсатилиб, унинг мезонлари белгиланди. Мезонларни белгилашда мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари, ўқувчиларнинг ақлий имкониятлари, уларга қўйиладиган таълимий-тарбиявий талаблар ҳисобга олинди. Ушбу муаммо юзасидан илмий-услубий тавсиялар яратилиб, амалиётга татбиқ этилди.

10. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш натижасида ўқувчиларнинг дунёда содир этиладиган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, ҳар қандай муҳитда вазиятга маънавий тайёр туриш, ўз билимлари асосида атроф-муҳитни яхшилашга ҳиссасини қўшиш, меҳнат қилишга ички хоҳиш билан онгли муносабатда бўлиш, ўз ҳис-туйғуларини бошқара билиш, бурч ва масъулият ҳиссига эга бўлиш, виждонли, инсофли, диёнатли бўлиш билан боғлиқ хусусиятлари таркиб топиши аниқланди.

Тавсиялар

Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш жараёнини самарали кечишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш методикасига доир услубий ва ўқув қўлланмалари яратиш лозим;
- умумий ўрта таълим мактабларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологиясини амалиётга татбиқ қилиш керак;
- умумий ўрта таълим мактабларининг “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани ўқитувчилари учун фанга доир синхронологик асосда битилган фактик ахборот ва илмий – методик материаллар тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади;
- республика олиб борилаётган миллий истиқлол ғоясини ўқитишга доир илғор тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш муаммони ҳал этишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 125-135, 149-162-бетлар.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 324-346-бетлар.
4. Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999. 84-102-бетлар.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 489-508-бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 6-12, 14-26, 28-38, 47-48-бетлар.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 462-467-бетлар.
8. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. Т.: «Ўзбекистон», 2001. 220-224-бетлар.
9. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
10. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: «Шарқ», 1994. 9-17-б.
11. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. Т.: «Шарқ», «Академия», 2001. 6-18-бетлар.
12. Арипова М. Талабаларда ватан раънақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.фан.ном.... дисс. .:Т.: 2009. – 144 б.
13. Бухорий. «Хадис», 4-жилдлик. Т.: 1992. 1-жилд. 13-28-бетлар.

- 14.Жураев Н. Агар огох сен.. Т. «Шарк», 1998.
- 15.Иброхимов А. Биз ким, ўзбеклар.... (миллий давлатчилигимиз асослари хакида мулохазалар) Т. «Шарк».1999, 400.
- 16.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001. 6-22-бетлар.
- 17.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Олий таълим муассасалари учун қўлланма). Т.: «Янги аср авлоди», 2001. -222-бет.
- 18.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Изоҳли кўргазмали воситалар тўплами). Т.: «Янги аср авлоди», 2001. 80-бет.
- 19.Миллий истиқлол ғояси. Аннотацияли библиография 2 китоб. Т.2001
- 20.Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. Т, «Янги аср авлоди», 2003 й.
- 21.Назаров Қ. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. -Т.: «Ижод дунёси», 2002. - 24-бет.
- 22.Мусурмонова О., Қўчқоров Р., Қаршибоев М. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари. Т.: Маънавият. 2007. – 110 б.
- 23.Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 136-бет.
- 24.Рўзиева Д. Олий таълим муаммалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.докт. ... дисс. Т.: 2007. – 260 б.
- 25.Саифназаров И. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Услубий-кўргазмали қўлланма. Т.: ТДИУ, 2001. 28-б.
- 26.Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. Т.: «Шарк», 2001. 160-бет.
- 27.Саифназаров И. ва бошқ. Халқимиз ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши қафолатдир. Т.: «Янги аср авлоди», 2004. 56-бет.
- 28.Тожиев Х. Миллий мафкуранинг назарий ва методологик масалалари. Т. «Мехнат»,1999.
- 29.Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т.: «Академия», 2004. 130-бет.
- 30.Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: «Академия», 2005.
- 31.Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. (Мас‘ул муҳаррир: А.Болиев), «Ма‘навият» 2000 , 32 б.
- 32.Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. Т, «Маънавият», 2002 йил.

33.Қаршибоев М., Нишонова С., Мусурмонова О., Қўчқоров Р. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари. 7-синф учун дарслик. Т.: Маънавият.2007.112 б.

34.Қўчқоров Р., Нишонова С., Мусурмонова О., Қаршибоев М. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари. 8-синф учун дарслик. Т.: Маънавият. 2007. -110 б.

Интернет материаллари

1. www.gov.uz.
2. www.press-service.uz.
3. www.bilim.uz.
4. www.philosophy.ru.
5. www.ziyonet.uz

ИЛОВАЛАР

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани ўқитувчилари учун анкета саволлари

1. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитишда қандай усуллардан фойдаланасиз?
2. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун қандай ишларни амалга ошириш керак деб ҳисоблайсиз?
3. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини қандай аниқлайсиз?
4. Дарсдан ташқари қандай тадбирлар ташкил этасиз?
5. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда яна қандай воситалардан фойдаланиш мумкин?
6. Мафкуравий иммунитет таркибий қисмлари қайсилар?

2-илова

**Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга
доир тест саволлари**

1. “Ватан” тушунчасининг тўғри таърифини аниқланг.

- А. Кишиларнинг ўзи яшаб турган, аجدодлари ўтган, миллати шаклланган мамлакат;
- Б. Кишилар муқим яшаётган, уй-жойи жойлашган мамлакат;
- В. Кишиларга фуқаролик паспорти берилган мамлакат;

2. Мафкуравий иммунитет нима?

- А. Фикрлар қарама-қаршилиги
- Б. Мафкуралар ҳақидага таълимот
- В. Ёт ва зарали ғояларга қарши кураша олиш қобилияти

3. Сиз учун қай бири муҳим:

- А) Ватаннинг ҳар бир қарич ерини асраш
- Б) Оилангиз тинчлиги
- В) Саломатлигингиз

4. Миллий истиқлол ғоясининг асосий ғояларини санаб беринг

- А) Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги
- Б) Комил инсон ғояси, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик ва миллалараро

тенглик ғояси

- В) ҳамма жавоб тўғри

**5. Сизнингча Дунёдаги миллатлар ичида қайси миллат буюклиги билан
ажралиб туради:**

- А) ўзбек миллати
- Б) барча миллатлар ўз қадриятлари билан буюк
- В) туркий халқлар

6. Агарда Сизга имконият берилса қуйидагилардан қайси бирини танлар

эдингиз?

- А) Кам маблағ эвазига ватанингиз равнақи учун хизмат қилиш
- Б) Катта маблағ эвазига ҳар қандай вазифани амалга ошириш
- В) Бойлик орттириш

7. Сиз учун қайси бири муҳим:

- А) Инсоният келажаги ва виждонга қарши иш олиб бормаслик
- Б) Ўз келажагингиз
- В) Моддий манфаатдорлик

8. Дунё мамлакатларидан бири – Афғонистон нотинч. Бу сизга қандай таъсир этади?

А) Сиз безовтасиз. Чунки улар нотинчлиги сизнинг мамлакатингизга ҳам таъсир этади

Б) Сиз бефарқсиз. Чунки у мамлакат сиздан узоқда.

В) Сиз хабардор эмассиз.

9. Ғоявий бўшлиқ нималарда намоён бўлади?

А. ғоясизлик, мафкуравий ваккум ҳолати;

В. мафкуравий плюрализм ҳолати;

С. мафкуравий экспанция ҳолати;

10. Фанатизм нима?

А. муайян ғояларнинг моҳиятини ўрганиш, ўзга ғояларга ҳурматсизлик;

Б. муайян ғояларга муккасидан берилиш, ўзга ғояларга мурасасизлик;

В. бирор ғояни тан олмаслик, ҳар қандай ғояга мурасасизлик.

3-илова

АМИР ТЕМУР – ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ФАХРИ, ИФТИХОРИ

(Аудиториядан ташқарида ташкил этилувчи давра
суҳбатининг сценарийси)

Саҳна соҳибқирон Амир Темур ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанни севиш ва уни уни ардоқлашга оид қарашлари битилган, Амир Темур даврида бунёд этилган бинолар суратлари туширилган плакатлар, макетлари билан безатилган.

Тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад - ўқувчиларга соҳибқирон Амир Темир ҳаёти, ўзбек халқ олдидаги хизматлари, у томонидан амалга оширилган

бунёдкорлик ишлари ҳақида батафсил маълумот бериш, уларда улуғ аجدодлари билан фахрланиш туйғусини шакллантириш.

Даврани йигит ва қиз бошловчилар бошлаб берадилар.

1-бошловчи: Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳоннинг илғор ва етакчи давлатлари қаторида бўлишини таъминлашга қодир ёшларга таянади. Бундай салоҳиятга эга бўлиш учун тенгдошларимиз нафақат ҳозирги замон дунёвий илмларини, жаҳон илму-фанига, маданиятига ҳисса қўшган, ўзбек халқи номини жаҳонга танитган ота-боболаримизни, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларини билишлари, улардан ўрнак олишлари лозим. Бу даражага эришмаган бирор бир шахс комиллик даражасига эриша олмайди.

2-бошловчи: Ўзбек халқи орасидан чиққан буюк шахслари, жумладан, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир. Унинг ҳар қандай мушкул сиёсий, ҳарбий, дипломатик вазиятлардан чиқиб кета олиш заковати, топқирлиги, мардлигу жасорати, ватанпарварлиги барча талаблар ўрнак олса арзийдиган сифатлар ҳисобланади.

1- Дарҳақиқат, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётини ўрганиб шундай хулосага келдик-ки, аجدодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан қанчалик яқиндан танишсак, улардан ўрнак олсак, Ўзбекистоннинг собитқадам, жасур, ақл-идрокли, она-ватан қудратини жаҳонга кўз-кўз қилишга қодир ва фидоий фарзандлари бўлиб етишамиз. Зеро, буюклар босиб ўтган йўлни зеҳн ва кунт билан ўрганиш ҳар бир инсонни камолот сари элтади.

2-бошловчи: Давра суҳбатимизни бошласакда тенгдошларимизнинг соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид фикрларини тингласак.

1-ўқувчи: Ўзбек тилида “бунёдкор” тушунчаси “барпо қилмоқ”, “яратмоқ” тушунчаларига синоним сифатида қўлланилади ҳамда ўз халқининг фаровонлиги, Ватани озодлиги ва ободлиги йўлида курашган, яратувчанлик ишларини олиб борган шахсларга нисбатан қўлланилади. Амир Темур бунёдкорлиги билан халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган инсон. Соҳибқирон ўз саъи-ҳаракатлари мамлакат яхлитлигини таъминлади, юртнинг озодлиги учун курашди, халқнинг фаровон ҳаёт кечиришига ўз ҳиссасини қўшди. У Чингизхон бостириб кирганидан кейин вайронага айланган шаҳарларни қайта тиклади, обод қилди. Натижада Самарқанд, Бухоро, Шош қабилар жаҳонга кўз-кўз қилса арзигулик шаҳарларга айланди. Мовароуннаҳр ўлкаси боғ-роғларга бурканди.

2-ўқувчи: Тенгдошимнинг фикрини давом эттириб, Самарқанд шаҳри ҳақида гапирмоқчиман. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 1371 йилнинг боши - 1372 йилнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг кунботар тарафида, баланд тепалик ёнбағрида Арки олий деб аталган мустаҳкам қалъа қад кўтарган. Шаҳар деворлари баланд қилиб кўтарилиб, олтита мустаҳкам дарвоза – Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Гозургоҳ, Бухоро ва

Чорраҳа дарвозалари тикланган. Шаҳар арки ичида тўрт ошёналик иккита улкан сарой: Кўксарой ва Бўстонсарой қад кўтарган.

Кўксаройда давлат хазинаси сақланар эди. Бундан ташқари бу ерда қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи корхоналар ва қамоқхона жойлашган. Бўстонсаройдан эса подшоҳнинг қароргоҳи сифатида фойдаланилган.

3-ўқувчи: Самарқандда мазкур даврда шаҳар кўчаларининг айримлари ва бозор қайта қурилиб обод қилинган. 1404 йили Самарқандга келган Испания элчиси де-Клавихо шундай ёзган эди: “Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон (Олтин Ўрда) ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, ниҳоятда бой бўлган Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган мол ва матолар сотилади. Илгари шаҳарга олиб келинган мол ва матоларни бир ерда тартиб билан жойлаштириб сотадиган жой йўқ эди. Подшоҳнинг амри билан шаҳарда икки тарафида қатор дўконлар қўйилган шохкўча, бозорларда расталар қурилди”.

4-ўқувчи: Амир Темурнинг ҳар бир мўмин-мусулмон учун муқаддас ҳисобланган зиёратгоҳларни обод қилишга алоҳида эътибор берганлиги, кўплаб катта масжид, мадраса ва хонақоҳлар қурдирганлиги, янги бозорлар, ғаммомлар, қарвонсаройлар ва бошқа жамоат биноларини бунёд қилдиргани унинг ҳақиқий ижодкор, яратувчи бунёдкор эканлигидан далолат беради, унинг ва у қилган ишларининг ўзбек миллатининг ифтихори эканлигини яна бир бор эслатади.

5-ўқувчи: Афросиёб тепалигининг жанубий ёнбағрида жойлашган Шоҳизинда маъмурий ёдгорлиги – Самарқанднинг энг катта зиёратгоҳларидан ҳисобланади. Бу ерда ислом уламоларидан (байроқдор, тарғиботчи) пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос, Амир Темурнинг яқинлари – рафиқалари Туман оқа, Ўлжой энага, Ширин бека, шунингдек, амирзодалар - амир Ҳусайн, ҳожа Аҳмад, амир Бурундуқлар дафн этилган. Амир Темур ва Бибихонимлар тарафидан мазкур қабрлар обод қилинган. Уларнинг тепаларига зиёратхона ва даҳма (гўрхона)дан иборат гумбазли мухташам иморатлар, масжид, хонақоҳ ва чортоқлар қурилган. Шоҳизинда Мирзо Улуғбек замонида бир қадар ободонлаштирилган, хусусан, Қозизода Румий мақбараси бунёд этилган. Амир Темур даврида бунёд этилган яна иккита зиёратгоҳ – Руҳобод ва Қутби Чаҳордахум номи билан машҳур бўлган авлиё ҳожа Нуриддин Басир қабрлари устига қурилган баланд мақбаралардир. Руҳобод XIV асрда ўтган йирик олими, диний билимлар билимдони - Шайх Бурҳониддин Сўғаржийнинг қабри устига қурилган юксак мақбара бўлиб, шаҳар кўркига кўрк қўшган. Иккинчи мақбара (Қутби Чаҳордахум) Наводон ариғи соҳилида жойлашган ва шаҳарнинг тўрт тарафидан яхши кўриниб туради. Миллатнинг ифтихори бўлган ёзувчи Садриддин Айний берган маълумотларга қараганда,

рус аскарлари шаҳар ишғол қилингандан кейин унинг пойдевори остига 40 линча қопда милтиқ дори кўмиб, уни портлатиб юборганлар, томига қопланган тилло тунукани олиб кетганлар.

6-ўқувчи: Самарқанднинг яна бир зиёратгоҳи - Темурийлар хилхонаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу олий иморат ичида Темурнинг суюкли набираси ва тахт вориси Мирзо Султон Муҳаммад, соҳибқироннинг ўзи ва ўғиллари – Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шохруҳ Мирзолар, набираси Мирзо Улуғбек, соҳибқироннинг бош тарафида эса пирлари - Мир Саид Бараканинг сағанаси жойлашган. Амир Темурнинг шахсан бошчилигида қурилган меъморий ёдгорликлардан яна бири – бу Бибихоним Жомеъ масжидидир. Бу ёдгорлик беш йил давомида (1399-1404 йиллар) қурилган бўлиб, кейинчалик Бухоро хони Абдуллахон II ва унинг яқинларидан Қулбобо кўкалтош томонидан қайта таъмирланган. Лекин XIX аср охирида юз берган кучли зилзила пайтида унинг асосий қисми вайрон бўлган. Мустақиллик шарофати билан, шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг сайи-ҳаракатлари билан кўплаб ёдгорликлар қатори мазкур тарихий обида ҳам таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Соҳибқирон томонидан бунёд этилган ва бугунги кунга қадар сақланиб қолган меъморий обидалар миллатнинг фахри бўлиб, ёшларда миллий ифтихор туйғусини уйғотади.

7-ўқувчи: Ҳазрат соҳибқирон пойтахт шаҳар Самарқанд атрофида бир қатор шаҳарчалар ҳам бунёд эттирган. Самарқандни жаҳоннинг ёруғ юлдузи, унинг атрофидаги шаҳарчаларни эса унинг атрофидаги айланиб турган йўлдош сайёраларга ўхшатган Амир Темур, уларни Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония дея жаҳоннинг машҳур шаҳарлари номи билан атаган.

8-ўқувчи: 1378-1404 йилларда шаҳар атрофига Боғи Нав, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Тахти қорача, Боғи Давлатобод, Боғи Дилкушо, Боғи Шамол, Боғи Чинор, Боғи Нақши жаҳон, Боғи баланд, Боғи амирзода Шохруҳ, Боғи майдон деган ўн иккита катта, кўркем ва хушманзара боғлар қурдирган. Чорбоғларнинг баланд жойларига мухташам қасрлар бунёд этилган бўлиб, улар икки қаватли, устунларига мармар, деворларига рангли кошинлар қопланган ва ички деворлари турли мавзудаги суратлар билан безатилган. Қаср олдида фавворалар ва гулзорлар яратилган. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича: ”Ҳазрат Соҳибқирон қасрларнинг қай бирига ўз мажлисларини, ўзи қилган жангларнинг тасвирларини, расмий тантаналаридаги суратларни, подшоҳлар, амирлар, саййидлар, уламо ва улуғ кишилар билан қурган мажлислари тасвирини чиздирган”. Бу гўзал кашфиётлар ҳақида гапирилганда бобомиз Амир Темурни нафақат бунёдкор, балки ижодкор, буюк кашфиётчи ва санъаткор деб тан олгимиз келади ва у билан

фахрланамиз, унга лойиқ ворис бўлишга, соҳибқирон бошлаган, бугунки кунда давом эттириляётган ишларда ўзимизнинг ҳам ҳиссамиз бўлишини хоҳлаймиз.

1-бошловчи: Келтирилган маълумотлар шундай хулосага келишимизга имкон беради: Самарқанд Амир Темур даврида гўзал киёфага кирган. Бу ўринда тарихчи Абрунинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “Ҳазрат соҳибқирон лойдан бўлган Самарқандни тошдан қайта қурди”.

2-бошловчи: Дарҳақиқат, Амир Темур ва темурийлар даврида пойтахт шаҳар - Самарқанднинг шон-шухрати бутун дунёга ёйилди, “Заминнинг сайқали” деб баҳоланди. “Афлотунлар чоғинда Афина, Румо салтанатинда Румо, Аббосийлар халифатинда Бағдод қанча тараққий қилган бўлса, Темур ва Улуғбеклар замонида Самарқанд шунча тараққий қилгон эди,” - деб ёзган эди Абдурауф Фитрат [Туркистонда руслар. “Шарқ юлдузи” журнали, 1992 йил, 4-сон, 183-бет].

1-бошловчи: Амир Темурнинг Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари борасида соатлаб суҳбатлашиш мумкин. Лекин бобокалонимиз нафақат Самарқандда, балки Шаҳрисабз, Бухоро ва Тошкентда амалга оширган ишлари ҳам таҳсинга сазовордир.

9-ўқувчи: Соҳибқирон Амир Темур ўзи туғилиб ўсган Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳрини ҳам обод қилди. Ҳокимият тепасига келган дастлабки йиллариданок шаҳарнинг бузилиб ётган девори ва мудофаа иншоотларини қайта тиклади, кўплаб жамоат бинолари қурдирди. Булардан бири Дор-ут-тиловат (Қуръон тиловат қилинадиган жой) деб аталган. Бу масканга дастлаб - 1370 йили соҳибқироннинг отасига пир бўлган Шамсуддин Кулол дафн этилди. 1374 йили қабр устига гумбазли мақбара қурдирилиб, унга отасининг ҳам хоки келтирилиб қўйилди. Дор-ут-тиловат Мирзо Улуғбек замонасида, яъни 1437-1438 йилларда қайта таъмирланган.

10-ўқувчи: Амир Темур томонидан қурдирилган яна шундай мақбаралардан бири Дор-ус-саёдат, яъни Саййидлар уйидир. Мазкур мақбара 865 йили вафот этган муҳаддис олим Абу Муҳаммад Абдаа ибн Наср ал-Кешийнинг қабри устига қурилган ва иккита мақбара, бир неча хужра ва хонақохдан иборат бўлган. Бизгача етиб келган маълумотларнинг далолат беришича, ҳазрат соҳибқирон ушбу мақбаранинг ичида ўзи учун ҳам бир даҳма қурдирган, лекин 1376 йили тўсатдан вафот этиб қолган тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзони шу ерга дафн қилдирган.

11-ўқувчи: Кешда Амир Темур қурдирган энг катта ва машҳур бино – бу Оқсарой саналади. Бу кошона 1380-1404 йиллар давомида қурилган бўлиб, унда нафақат олий ҳукмдор ва унинг оиласи яшаган, балки саройда давлат ишлари ҳам юритилган. Ҳозирда узоқ йиллик тарих даврида душманларнинг кўплаб ҳужумларга бардош берган бу бинонинг жануб томонидаги пештоқи сақланиб қолган.

12-ўқувчи: Амир Темур она юрти Бухорони ҳам обод қилган. Соҳибқирон бошчилигида ва унинг сайъ-ҳаракатлари билан пайғамбарлар, ислом илми аҳллари, азиз авлиёларнинг душманларнинг хужумлари натижасида вайронага айланган мазорлари таъмирланган, аслига қайтарилган.

Булардан бири улуғ илоҳиёт олими Сайфиддин Боҳарзийнинг мақбараси бўлиб, у хонақоҳ ва даҳмадан иборат.

Яна бир мақбара Чигатой хонларидан Буёнқулихон мақбараси бўлиб, бу иккала зиёратгоҳ ёнма-ён жойлашган бўлиб, жуда катта тарихий аҳамиятга эга.

13-ўқувчи: Амир Темур томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари орасида яна бир муҳим ҳаракати алоҳида эътиборга лойиқ. Улуғ бобомиз тариқат пешволари, жумладан, Яссавия тариқатининг намояндаларига алоҳида эътиром кўрсатган. Бунинг ёрқин намунасини Тошкент яқинидаги Занги ота ва у кишининг турмуш ўртоғлари Анбар она учун мақбаралар бунёд эттирганлигида кўриш мумкин. Занги отанинг асли исмлари Ойхўжа ибн Тошхўжа бўлган. Ҳар икки мақбара ҳам XIV аср охирларида қурилган ва Туркистондаги машҳур зиёратгоҳлардан бирига айлантирилган. Лекин бизнинг давргача унинг асли шакли бир неча бор қайта таъмирланганлиги сабабли бир оз ўзгарган ҳолда етиб келган. Мустақиллик йилларида ҳам мазкур зиёратгоҳ қайта ободонлаштирилди.

14-ўқувчи: Ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон, аввалги Ясси шаҳрида машҳур тариқат етакчиси ва шоир Аҳмад Яссавий қабри устида бунёд этилган икки гумбазли мақбара ҳам соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ҳаракатлари самарасидир. Мақбара катта зиёратхона, даҳма (гўрхона) ва хонақоҳдан иборат. Икки йил ичида қурилган бу иморат жуда гўзал ва нақшинкор бўлган. Мақбарани қуришда иштирок этган усталар (Ҳожа Ҳасан Шерозий, Абдулваҳоб Шерозий, Абдулазиз ибн Шарафуддин Табризий)ларнинг номлари сақланиб қолган. Замонлар ўтиши билан бу иншоот нураб кетган.

15-ўқувчи: Амир Темур 1392 йили қайтадан тиклатган ва кенжа ўғли Шохруҳ Мирзо (1377-1447 йиллар) шарафига Шохруҳий деб номлаган эски Тошкент аввал Банокат (Бинкат) деб аталар эди. У Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Оҳангарон сойининг мазкур дарёга келиб қўшиладиган ерида жойлашган бўлиб, Чингизхон хужуми вақтида вайрон этилган. Вайроналари ҳозирги Тошкент вилояти Оққўрғон туманига қарашли Султон Сегизбоев номи давлат хўжалиги ҳудудидадир. Мазкур ҳудуд маҳаллий халқ орасида “Шарқия” номи билан ҳам машҳур.

16-ўқувчи: Соҳибқирон Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр, балки бўйсундирилган мамлакатлар - Ироқ, Озарбайжон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ҳам ободончилик ишларини олиб борган. Масалан, у Боғдод, Дарбанд каби шаҳарларни

ҳам қайта тиклаган; мўғуллар даврида вайрон қилинган жанубий Озарбайжонда, Урмия кўли бўйида жойлашган Бойлақон шаҳарини тошдан қайта қурдирган, Қорабоғ ва Муғон даштига сув келтирган. Шарофиддин Али Яздийнинг ”Зафарнома” асарида қайд этилишича, Амир Темур ўзидан ёдгор бўлсин деб тасарруфига олинган ҳар бир мамлакат ва шаҳарда бир олий иморат бино қилдирган.

Давра суҳбатини бошловчилар якунлайдилар:

1-бошловчи: Ҳа, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур ана шундай бунёдкор шахс бўлганлар, эл-юрт ободончилиги йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширган. Бугунги кунга қадар етиб келган меъморий иншоотларнинг виқори фикримизнинг исботидир. Биз ёшлар эса бу ноёб меросни авайлаб-асрашимиз, келгуси авлодга уларни авайлаб-асраб етказишимиз зарур.

2-бошловчи: Бугунги суҳбатимизда асримизнинг бошларидан то 70-80-йилларгача ”конхўр”, ”жаллод”, ”босқинчи”, ”юртларни талаган шахс” дея эътироф этиб келинган улуг соҳибқироннинг бунёдкорлик ишлари билангина танишдик. Бобокалонимизнинг Ватан озодлиги, илму фан ривож, халқ фаровонлиги йўлида ташкил этган ҳаракатлари бизга ибратдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг миллат манфаати йўлида амалга оширган ишлари билан ҳақли равишда фахрланамиз, қалбларимиз ифтихорга тўлади. Улуг бобокалонимиз шзбек халқининг, миллатнинг ифтихоридир.

Буюк аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятлари борасидаги бугунги каби суҳбатлар биз талабаларда аجدодларимиз билан нафақат фахрланишга, балки уларнинг анъаналарига содиқ қолишга, тараққиётга ҳисса қўшувчи ишларни амалга оширишга ундайди.